Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 92 (3593)
ШАНБА
22 АПРЕЛЬ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Самарадорлик ва иш сифатини ошириш учун ўтказилаётган социалистик мусобақа байроқдорлари—ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларига шон-шарафлар!

(КПСС Марказий Комитетининг 1-Май Чақириқларидан).



В. И. Ленин 1920 йилнинг 1 майида Кремлда ўтказилган Бутунроссия шанбалигида. М. Г. Соколов чизган расм.

„БУЮК ПОЧИН“НИНГ ҒОЛИБОНА ОДИМИ

Бугун бутун Тошкент В. И. Ленин туғилган кунининг 108 йиллигига бағишланган коммунистик шанбалиққа чиқди. Ишчилар, инженер-техник ходимлар, хизматчилар, мутахассислар, меҳнат ветеранлари, қарилик гаштини сураётган пенсионерлар, студентлар, техникум, ҳунар-техника билим юртлари ва юқори синф ўқувчилари, микрорайон ва маҳаллаларнинг аҳолиси меҳнат байрамида актив иштирок этишяпти.

Тахминий ҳисоб-китобларга қараганда, бугунги «қизил шанбалик»да 1.070 минг шаҳарлик иштирок этди. Улар 8 миллион сўмлик халқ хўжалик буюмлари ишлаб чиқаришни мўлжаллашган. Вақоланки, кунниинг ярмигача фақат тежалган материал ва хом ашё ҳисобига 1 миллион сўмликдан зиёд буюм тайёрлаб берилди.

Ишлаб чиқаришнинг барча участкаларида мажбуриятларни сўзсиз бажарилиши шу куни 25 та трактор, 8 та компрессор станцияси, 80 та электр трансформатори, 235 тонна лак ва бўёқ, 10 та йиғирув машинаси, 430 минг метр ип-газлама, 6 минг жуфт оёқ кийими, 1 миллион 700 куб метр темир-бетон йиғиш, 10 тонна маргарин ишлаб чиқариш учун хураш қизиб кетди.

В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш, «Средазкабель» бирлашмаларида, «Таштекстильмаш», «Узбексельмаш», Октябрь революцияси номли тепловоз ремонти, «Ташсельмаш», агрегат заводларида, кўн-галантерея, бадиий буюмлар, 1 ва 2-пойафзал фабрикаларида, ҳамда 4-дон маҳсулотлари комбинати ва бошқа корхоналарда биринчи ишчи сменалари юксак унумдорликка эришди.

Қурилиш объектларида 1,7 миллион сўм ўзлаштирилди. 200 минг дарахт ва бута ўтказилди, 440 минг метр ариқлар тозаланди.

Театрларнинг артистлари, маданият саройлари ва клубларнинг бадиий ҳаваскорлари шаҳар корхона ва ташкилотларида юзлаб концерт программаларини намойиш этдилар.

„Газетанинг ушбу сони чоп этишга туширилганда иккинчи смена иш бошлади. Тошкент бўйлаб меҳнат байрами давом этмоқда.

◆ ЛЕНИН РАЙОНИ

ШОНЛИ АНЪАНАНИ ДАВОМ ЭТТИРИБ

Тонг сукунатини гудокнинг овози бузди. Анъанага кўра Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 108 йиллигига бағишланган коммунистик шанбалик Тошкентдаги энг кекса корхоналардан бири — Октябрь революцияси номли тепловоз ремонти заводида шундай бошланди. Иш кунининг бошланиши биланоқ, ишчи ва хизматчилар «қизил шанбалик»да энг юқори унумдорликка эришамиз» деган шиор остида социалистик мусобақани авж олдириб юборишди.

Ленин район партия комитетида шанбаликни ўтказиш бўйича ташкил қилинган штабга корхона, ташкилот ва қурилишлардан кетмакет ахборотлар келиб турди. «Қизил тонг» тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси, вагон депоси, картон тараллар заводи ва бошқа корхоналарнинг меҳнаткашлари ҳам зарбдор меҳнат қилишди. Олинган маълумотларга қараганда район меҳнаткашлари ҳар бир иш жойида юксак меҳнат унумдорлигига эришдилар. Коммунистик меҳнат байрамида 102 мингдан зиёд киши қатнашди. Ҳисоб-китобларга қараганда 1. 100 минг сўмлик саноат маҳсулоти тайёрланди. Тежаб қолинган хом ашё ва материаллардан 145 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди. Беш йиллик фондига 105 минг сўм ўтказилди.

◆ ФРУНЗЕ РАЙОНИ

Зарбдорларча

Фрунзе районининг кўчалари ва майдонлари бугун байрамлардагидек безатилган. Қизил албонар завод территорияларини, қурилиш объектларини безаб турибди. Район меҳнаткашларидан юз мингдан зиёд киши В. И. Ленин туғилган кунининг 108 йиллигига бағишланган меҳнат байрамида иштирок этди.

Шу куни тўқимачилик комбинатининг меҳнаткашлари 600 минг сўмлик, 1-пойафзал фабрикасининг ишчилари 110 минг сўмлик, «Таштекстильмаш» меҳнаткашлари 164 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар. Жами коммунистик шанбалик куни 1 миллион сўмликка яқин маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ушбу маҳсулотларнинг 10 процентни тежалган хом-ашё ва материаллардан тайёрланди.

Шанбалик фондига район қурилиш ташкилотларининг коллективлари салмоқли ҳисса қўшишди.

«Қизил шанбалик» туфайли районнинг кўчалари ва майдонлари ўзгача қиёфа касб этди, завод территорияларининг яшил либоси бойиди. Фрунзеликлар ўнинчи беш йиллик фондига 85 минг сўм ўтказишади.

◆ КОММУНИСТИК ШАНБАЛИКДА 1 МИЛЛИОН 70 МИНГ ТОШКЕНТЛИК ИШТИРОК ЭТДИ

◆ БИР КУНДА 8 МИЛЛИОН СЎМЛИК САНОАТ МАҲСУЛОТИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛДИ. ФАҚАТ ТЕЖАЛГАН МАТЕРИАЛ ВА ХОМ АШЁ ҲИСОБИГА БИР МИЛЛИОН СЎМЛИК БУЮМТАЙЁРЛАБ БЕРИЛДИ

◆ 1,7 МИЛЛИОН СЎМЛИКДАН ЗИЁД ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ИШЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛДИ, 440 КИЛОМЕТР УЗУНЛИКДАГИ ИРРИГАЦИЯ ШОХОБЧАЛАРИ ТОЗАЛАНДИ

◆ ОКТЯБРЬ РАЙОНИ

ҚИЗИЛ БОҒИЧ ТАҚИБ

Тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчилари ишга байрам кайфиятида киришиб кетди. Корхона дарвозасидан ўтаётган ҳар бир «қизил шанбалик» иштирокчисининг кўкрагига қизил боғич тақиб, қўлига қизил гул тутилди. Биринчи чиқарилган «Чақмоқ»да З. Ефимова, С. Гизатуллина ва В. Грачевалар бошлиқ бригадаларнинг эришган меҳнат рекордлари маълум қилинди. Тикувчи-мотористкалар Нафиса Ортиқова ва Марьям Мингазовалар ўз маҳоратларини яна намойиш этдилар.

...Кўн-мўйна заводи. Биринчи смена охирида аёлларнинг 35 та, болаларнинг 20 та мўйнали пальтолари, 170 та жилет, 750 та бош кийим топширилди. Шу куни аёлларнинг тоза қоракўлдан тайёрланган пальтоси, шунингдек, болаларнинг шубаси ҳамда қўй терисидан ишланган болаларнинг пальтосини фахрли беш қиррали белги аттестациясига тайёрлаш учун барча техника ҳужжатларини тахт қилиш ишлари ниҳоясига етказилди.

...3-йирик панелли уйсозлик комбинати. Шаҳарда қурилаётган уйлар учун вертикал қолип цехида 174 куб метр девор конструкциялари, горизонтал қолип цехида эса 150 куб метр темир-бетон буюмлари тайёрлаб берилди.

«Ташкентхлеб» бирлашмасида, бадиий буюмлар фабрикасида, театр жамияти комбинатида, «Жилстрой», «Ташинжстрой», 159-трестларнинг қурилиш бошқармаларида, «Узгипроводхоз» лойиҳа институтларида, марказий телеграф ва бошқа корхоналарда шанбалик юксак сифатий, меҳнат кўтаринкилигида ўтди.

Кун якунида 510 минг сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди. Тайёрланган буюмларнинг бешдан бир қисми тежаб қолинган хом ашё, материал ва электр қуввати ҳисобига ишлаб чиқарилди. Қурилиш-монтаж ишлари ҳажми 313 минг сўмликни ташкил этди. 90 минг сўмликка яқин иш ҳақини беш йиллик фондига ўтказишга аҳд қилинди.

◆ ҲАМЗА РАЙОНИ

ЭНГ ЮКСАК УНУМДОРЛИК

Коммунистик шанбаликни район меҳнаткашлари байрам кайфиятида бирлашмалар, корхоналар, ташкилотлар билан бошладилар. Дастлабки соатларданоқ ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, ремонт қилинган двигателлар, ўтказилган иншоотлар ва буталар ҳақидаги рапортлар штабга оқиб кела бошлади. Ҳаммага маълум бир участка бириктириб қўйилган. Жумладан мактаб, техникум, билим юртларининг ўқувчилари «Баҳт» ва «Рўҳат» дам олиш зоналарида, 4-лойиҳа институтининг ходимлари институтнинг янги биноси қурилишида меҳнат қилишди. Қурувчилар янги турар жой биноларини, саноат объектларини бунёд этишди.

«Узсельхозтехника» тажриба ремонт-механика заводининг коллективи «Энг юксак унумдорлик билан ишлаймиз!» шиори остида меҳнат қилди. Бу ерда 20 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, 20 та двигатель, 15 та гидропресс ва бошқа техника ремонтдан чиқарилди. Беш йиллик фондига 1,7 минг сўм ўтказилади. Тежалган хом ашё ҳисобига 1,1 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди.

Территорияни ободонлаштириш билан машғул бўлган ишчилар ҳам яхши ишладилар. Улар 250 туп дарахт ва буталар ўтказишди.

Жами район бўйича коммунистик шанбаликда 140 минг киши иштирок этди. Шулардан 45 минг нафари дастгоҳлар ёнида. 11 минг нафари қурилишларда меҳнат қилишди. Буюк почин издошлари 2 миллион 400 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар, 42 минг туп дарахт ва бута-лар ўтқазиб. 32 минг метр суғориш шоҳобчаларини тартибга келтирдилар.

Ҳамзаликлар беш йиллик фондига 190 минг сўмни ўтказадилар.

◆ КИРОВ РАЙОНИ

Депутат намунаси

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи бугун энг юқори меҳнат унумдорлигига эришди. Коммунистик шанбаликка қўрилган пухта тайёргарлик, барча хизмат ва бўлинмаларнинг бир меъёрда ишлаши натижасида смена давомида 216 минг сўмлик трикотаж буюмлари тайёрланди. Бирлашмада икки ярим мингдан ортиқ киши меҳнат қилди. Ишчилар ўртасидаги ўзаро мусобақада коммунистлар ва депутатлар намуна кўрсатдилар.

Киров районидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Коммунистик шанбалик куни райондаги 12 саноат корхонасида 880 минг сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилганлигини айтишнинг ўзи кифоя. Шуниси характерлики, ана шу саноат маҳсулотларининг тўртдан бир қисми тежалган хом ашё ва материаллардан тайёрланди.

Киров райони ишчилари мамлакатимизга қирқта чигит экадиган сеялка, 460 минг дона пишиқ ғишт, 94 тонна кондитер маҳсулотлари, 210 минг сўмлик кийим-кечак ва бошқа буюмлар етказиб бердилар.

◆ СОБИР РАҲИМОВ РАЙОНИ

Пухта, уюшқоқлик билан

Шаҳар марказлашган усулда юк ташиш трестининг 127-автобазаси коллективи Собир Раҳимов райони меҳнаткашлари орасида биринчи бўлиб коммунистик шанбалик ҳисобини очди. Бу автобаза етказиб бераётган юкларни шаҳримиздаги бир қанча корхоналар ва қурилишлар сабрсизлик билан кутишарди. Азамат шоферлар графикдан ўзган ҳолда меҳнат қилиб, Чилонзор районидаги Бўзсув кўприги қурилишига шагални ўз вақтида етказиб беришди. Колоннага автобазанинг тажрибали бригадирларидан Равил Ҳалимов бошчилик қилди. Бригада аъзолари топшириқни шараф билан бажаришди. Ёш шоферлардан Х. Мехтизагри ва Т. Нажмиддинов тажрибали ҳамкасблари билан бир сафда тўриб, қурилиш учун керакли материалларни ўз вақтида етказиб беришди.

Автобазанинг 290 шоферн шу куни машина рулига ўтириб, шаҳримиздаги бир қанча корхоналарга юкларни ўз вақтида элтиб беришди.

Собир Раҳимов район меҳнаткашлари шу куни 670 минг сўмлик маҳсулот тайёрлашди. 66 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари лотдан 90 минг меҳнаткаш иштирок этди. Шанбалик қандай ўтаётганлиги ҳақида штабга ketma-ket маълумотлар келиб турди. Соат 15 да «Компрессор» заводи коллективи зиммасига олган мажбуриятни бажарганлиги ҳақида рапорт берди. Шундан сўнг чинни ҳамда подшипник-ремонти заводлари, бошқа корхона ва ташкилотлар талаба рапортига имзо чекишди.

Собир Раҳимов район меҳнаткашлари шу куни 670 минг сўмлик маҳсулот тайёрлашди. 66 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Фақат иқтисод қилинган ва тежалган материалларнинг ўзидан 160 минг сўмлик, ҳар хил маҳсулотлар тайёрланди. 37 минг туп дарахт ва яшил тўсиқ ўтқазилиб, 36 минг метр ирригация шохобчалари тозаланди.

8 компрессор, 1000 подшипник, 120 минг чинни ва биллур маҳсулотлари тайёрланди. Ўнинчи беш йиллик фондига 65 минг сўм ўтказилиб. коммунистик шанбалик кунига олинган социалистик мажбурият 2 минг сўм ортиғи билан адо этилди.

◆ ЧИЛОНЗОР ВА АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОНЛАРИ

Муносиб ҳисса

Чилонзор ва Акмал Икромов районларининг 155 мингдан зиёд меҳнатчиси «қизил шанбалик»да актив қатнашди.

5-такси паркидаги М. Шангараев, 153-қурилиш трестининг 39-бошқармасидаги Р. Зиёев, «Ташметрострой» трестининг 2-қурилиш-монтаж бошқармасидаги Виноградов бошлиқ бригадаларнинг меҳнатчилари энг юқори меҳнат самарадорлигига эришдилар.

Корхоналарнинг конвейерлари ва поток линияларидан бугун 435 минг сўмликдан ортиқ маҳсулот тушириб олинди. Булар орасида 7,5 минг жуфт пойафзал, 300 тонна сут маҳсулоти. 165 тонна булка-кондитер неъмати, 21 тонна металл конструкциялари ва бошқалар бор.

«Промгражданстрой» 153-қурилиш трести, «Союзпроводмеханизация» трестининг 4-қурилиш бошқармаси, «Трансгидромеханизация» трестининг 482-қурилиш бошқармаси коллективлари шанбаликда яхши ишладилар. Бунёдкорлар ҳамкаси бўлиб, 325 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажардилар.

Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли маданият ва истироҳат боғида, Халқлар дўстлиги, Фарҳод, Муқимий, Сегизбоев кўчаларида минглаб кўчат ўтказилди. Ипподром атрофида ташкил этилаётган дам олиш зонасида анчагина иш бажарилди.

Ҳар иккала районнинг ҳар бир меҳнатчиси умумхалқ меҳнат байрамига муносиб ҳиссасини қўшди.

◆ КУЙБИШЕВ РАЙОНИ

КЎЧА ВА МАССИВЛАР ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

«Қизил шанбалик» куни 10 минг киши районни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида иштирок этди. Уларга ёрдамга 296 юк машинаси ва 17 та ҳар хил механизмлар чиқарилди. 90 гектар территория, 41 минг метр сув тармоқлари чиқиндилардан тозаланиб. 10 минг туп дарахт ва яшил тўсиқ. 35 минг дона гул ўтқазилди.

Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти студентлари ўз оталиқларидаги Қори Ниёзий. Новомосковская, Уриц кий кўчаларини тозалаб. ободонлаштиришда актив иштирок этишди.

Анъанага кўра «Средазкабель» бирлашмасининг хизматчилари Ф. Хўжаев кўчасида кўкаламзорлаштириш ишларини олиб боришди.

Маданият институти, 187, 190-мактаб ўқувчилари, умумхалқ ҳашарида актив қатнашишди. Улар В. Котик номли болалар боғини чиқиндилардан тозалашди. 6-таксомотор парки коллективи. трактор ва экскаватор заводи ишчилари, илмий тадқиқот ва лойиҳа институти хизматчилари кенг ҳажмда ободончилик ишларини олиб бордилар.

Саноат корхоналарининг меҳнаткашлари «қизил шанбалик» куни жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилишди. Трактарсозлар беш йиллик фондига 7 минг 500 сўм ўтказишди. «Средазкабель» бирлашмаси эса 630 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди.

Куйбишев районида бўлиб ўтган коммунистик шанбаликда 112 минг аҳоли иштирок этди. 1 миллион 318 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. 69 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Ўнинчи беш йиллик фондига 55 минг сўм ўтказилди.

◆ СЕРГЕЛИ РАЙОНИ

Санъаткорлар ҳамкорлигида

Райондаги ўндан зиёд ҳаваскорлик коллективлари бугунги куни коммунистик шанбалик қатнашчиларига концерт кўрсатиш билан бошлашди. Район маданият уйининг бадиий ҳаваскорлари дастгоҳлар ёнида ишлаётган, ўз иш жойларида ҳар хил юмушларни бажараётган, районни ободонлаштириш ишларида қатнашаётган кишиларга бағишлаб махсус программа кўрсатишди.

Сергелиликлар қўлга киритган меҳнат ютуғида бадиий ҳаваскорлик қатнашчиларининг ҳам ҳиссаси бор. Улар ўз қўшиқ, куй ва ўйинлари билан байрам кайфиятини вужудга келтириб, ишчилар меҳнатининг унумли бўлишига шароит яратдилар.

Бугун сергелиликлар томонидан ярим миллион сўмликдан зиёд саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди. 80 минг сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Шанбаликда сергелиликлардан 12.5 мингдан зиёд киши қатнашди.

УЛУҒ ДОҲИЙ ВАСИЯТЛАРИГА САДОҚАТ

Бутун совет халқи каби Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 108 йиллигини юксак сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати жўш урган вазиятда, барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси — жонажон Коммунистик партия теварагида маҳкам жипслашган ҳолда кутиб олмоқдалар.

21 апрель кучи Тошкентда бўлиб ўтган тантанали йиғилиш шонли санага бағишланди. Йиғилишни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. А. Ҳўжаев очди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўрток Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси баланд руҳ билан йиғилишнинг фахрий президиумига сайланади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиевга доклад қилиш учун сўз берилади.

Ленин яшаб, ижод этган йиллар бизданнақадар олисларда борган сари, деди докладчи, унинг улуғлиги ва гениаллиги шу қадар ёркин ва яққолроқ намоён бўлиб колмоқда, буюк ҳаётий кучга эга бўлган ҳамда жаҳон эволюцион жараёнига, ер юзидаги барча халқлар ва қитъаларнинг тақдирига жуда катта таъсир ўтказаётган Ленин ғоялари ва васиятларининг чукур мазмуни ва аҳамияти шу қадар тўлароқ очилмоқда.

КПССнинг XXV съезди жамиятимизни ривожлантиришда янги тарихий босқич бошланганлигини билдирди. Бу съезд марксизм-ленинизм ғояларининг буюк ҳаётбахш кучини бутун дунёга намойиш қилди. Ленин заковатининг улуғ қуввати, Ленин қалбининг тепиши жонажон партиямизнинг ишлари ва зафарларида яшамоқда.

Совет Урта Осиё республикалари, шу жумладан Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаганлиги, Ленинниинг ғоялари ва орзулари амалда рўёбга чиқарилганлигини билдиради. Октябрь революцияси, Коммунистик партиянинг ленинча миллий сиёсати, оғамиз улуғ рус халқининг, мамлакатдаги барча халқларнинг бегараз ёрдами туфайли Ўзбекистон Совет ҳокимияти йиллари мобайнида ўз тараққиётида тарихий сакраш қилди. В. И. Ленин туғилган кунниинг 108 йиллиги республика ҳаётидаги қувончли воқеалар билан бир вақтга тўғри келди. Ўзбекистон ССРнинг янги Конституцияси якдиллик билан қабул қилинди. Бу Конституция Совет халқлари қардошлик оиласида, музаффар Ленин байроғи остида коммунизм сари ҳаракатимизда эришилган муҳим маррани қонуний суратда мустаҳкамлайди.

Халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби, партиямиз ва совет халқининг доно ва узоқни кўра билувчи сиёсий раҳбари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Леонид Ильич Брежнев маркса-ленинча фанни ривожлантиришга, ривожланган социализм ва коммунизмга ўтиш даврида Коммунистик партиянинг бош йўли, стратегияси ва тактикасини, унинг ички ва ташки сиёсатини ишлаб чиқиб амалга оширишга бебаҳо ҳисса қўшмоқда деб таъкидлайди докладчи. Ўрток Л. И. Брежневнинг Сибирь ва Узок Шарқ районларига қилган сафари вақтида унинг меҳнаткашлар билан учрашуви партия ва халқнинг мустаҳкамланиб бораётган бирлигини кўрсатувчи ёркин мисоллардан бири бўлди.

Совет Ўзбекистонининг ҳозирги куни ва келажаги тўғрисида оталарча ғамхўрлик қилиб доимий эътибор бераётганликлари учун республика меҳнаткашлари шу шонли кунда партия ленинчи Марказий Комитетига, унинг Сиёсий бюросига, шахсан ўрток Л. И. Брежневга самимий ташаккур ва чуқур миннатдорчилик изҳор этадилар ҳамда ўз сафларини КПСС теварагида янада маҳкамроқ жипслаштириб ўнинчи беш йилликнинг масъулиятли вазифаларини шараф билан бажарамиз, коммунистик қурилишнинг улуғвор программасини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшамиз деб тантанали ишонтирадилар.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири И. Н. Дмитриев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари И. Г. Анисимкин, С. Е. Белоножко, Л. И. Греков, И. Р. Қурбонов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Маҳмудов, С. У. Султонова, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, М. Д. Мухортов, М. Т. Турсунов, А. Р. Ҳўжаев иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ВЕТЕРАНЛАРНИНГ ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

Кеча В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида партия ветеранлари, граждан ва Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, Туркистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун курашганлар, биринчи беш йилликларда социалистик қурилиш қатнашчиларининг пойтахт ёшлари билан анъанавий учрашуви бўлиб ўтди. В. И. Ленин туғилган кунининг 108 йиллигига бағишланган учрашувни Тошкент шаҳар партия комитети музей коллективи билан ҳамкорликда уюштирди.

Учрашувни Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг секретари М. Ф. Солдатов кириш сўзи билан очди. Партия ветеранлари Е. Самойленко, Р. Игольников, Н. Ризаев, П. Сударс ўз хотиралари ҳақида ҳикоя қилиб бердилар.

Ёшлар номидан 153-қурилиш трести 39-бошқармасининг ғишт терувчиси Б. Назаров, В. И. Ленин номли электротехника заводи йиғув цехининг комсорги О. Синякина, ТошДУ студенти Ф. Зарипова ветеранларга мурожаат қилдилар. Улар пойтахт ёшлари кекса авлод ишини шараф билан давом эттирадилар, коммунистик қурилишда актив иштирок этадилар, деб ишонтирадилар.

Учрашув қатнашчилари учун «Барҳаёт Ленин» ҳужжатли фильми кўрсатилди.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

★ Кеча Кремлдаги Съездлар саройида шонли сана— В. И. Ленин туғилган кунининг 108 йиллигига бағишланган тантанали мажлис бўлди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, РСФСР Министрлар Советининг Раиси М. С. Соломенцев «Ленинизм— революцион кураш ва коммунистик бунёдкорлик фани» темасида доклад қилди. Мажлис ҳақида ҳисобот ва ўрток М. С. Соломенцевнинг доклади бугун тонгги газеталарда эълон қилинган.

★ Фан ва техника соҳасида, адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида 1978 йилги Ленин мукофотларини бериш тўғрисида КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарорлари бесланган.

В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 108 ЙИЛЛИГИГА

ЛЕНИН ВА ТОШКЕНТ

ЛЕНИНИЗМ ҲОЗИРГИ ДУНЕДАГИ ЭНГ ИЛҒОР ВА НУФУЗЛИ ИДЕОЛОГИЯ, КЕЛАЖАК ЭГАЛАРИНИНГ ЕНГИЛМАС ИДЕОЛОГИЯСИДИР. В. И. ЛЕНИН АСАРЛАРИДЕК АСАРЛАРИ КЎП ТАРҚАЛГАН ОДАМ ЕР ЮЗИДА БЎЛГАН ЭМАС ВА ЙЎҚ.

Л. И. БРЕЖНЕВ.

Шарқ халқларининг буюк дўсти

Мамлакатимиз халқлари қардошлик оиласида ҳур республикага айланган Совет Ўзбекистонининг меҳнаткашлари улуғ доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг бир юз саккиз йиллигини зўр мамнуният билан кутиб олмоқдалар. В. И. Ленин гояларига содиқлик яқинда қабул қилинган Ўзбекистон ССР янги Конституциясида ўз ифодасини топди. «Биз,— деган эди В. И. Ленин,— миллатларнинг равнақи ва яқинлашувини истаймиз». Республикамиз Конституцияси замонамиз манифести бўлган СССР Конституциясида. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев нутқи ва докладларида баён этилган ленинча принципиал хулосалар ва қоидаларни ўзида мужассамлантирди. Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)нинг қабул қилиниши республикамиз тарихида муҳим воқеадир.

В. И. Ленин илгари чор Россия колониал зулмида эзилган халқларнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ривожланишига жуда катта аҳамият берар эди. «...Қани бизга революционерлар ташкилотини беринг-чи — биз Россияни тубдан ўзгартириб юборайлик»— деган эди В. И. Ленин. Бу революционерлар ташкилоти Владимир Ильич тузган ва вояга етказган большевиклар партияси бўлди. Большевиклар Тошкентда марксизм гояларини тарқатишда асосий роль ўйнадилар.

В. И. Ленин Тошкент тарихини ва унинг бутун Туркистон ўлкасидаги ҳал қилувчи ролини яхши билар эди. В. И. Ленин Закаспий—Тошкент ва Оренбург—Тошкент темирйўли қурилиши ижобий ролини кўрсатган эди. Темир йўл Ленин ибораси билан айтганда, капитал учун Ўрта Осиёсини оча бошлади.

1904 йилда ўлкада биринчи марта 1 Май байрами нишонланди. Бу байрам Тошкентдаги Бош темир йўл устахонаси ишчилари бошчилигида бошланиб, асосан чоризмга қарши намойиш тусини олган эди. Капитализм гирдобига тушиб қолган Тошкентда ишчилар синфи пайдо бўяди ва рус ишчилари билан бирга чоризмга қарши кураша бошлади. 1901 йилдан бошлаб «Искра», кейинроқ «Вперед», «Пролетарий» газеталари Тошкентга мунтазам келтириладиган бўлди. К. Маркс, Ф. Энгельс ва В. И. Ленин асарларидан иборат айрим брошюралар ҳам Тошкентда тарқаладиган бўлди. РСДРПнинг IV съездида Тошкентдан большевик Борисов ва меньшевик Зубаров делегат бўлиб қатнашдилар. 1906 йилнинг апрелида В. И. Ленин ташаббуси билан Тошкентга большевик В. В. Биховский юборилади. У шаҳардаги революцион кучларни бирлаштириш, большевиклар олдида турган вазифаларни тушунтириш борасида муҳим тадбирларни амалга оширди. Прогрессив революцион Россия намояндалари ўлкада фан, маданият ва маорифни ривожлантиришни талаб қилдилар. Петроградда чиқадиган «Просвещение» журналининг маълумотига кўра, Туркистонда саводсизликни тугатиш учун 4600 йил керак эди. Чунки 98 процент аҳоли саводсиз бўлиб, маориф учун деярли маблағ ажратилмас эди. Губернатор Куропаткин таъ олиб бундай деган эди: «Биз ерли халқни эллик йил ўсишдан, мактабдан ва рус ҳаётидан четда тутиб келдик».

Чоризм ҳокимияти маориф ишлари учун аҳоли жон бошига йилига тахминан 25 тийин ажратарди. Соғлиқни сақлашга келганда, Туркистонда бу мақсадлар учун аҳоли жон бошига йилига ўрта ҳисобда 14 тийин ажратилар эди. Бундай аҳволни улуғ рус ёзувчиси М. Е. Салтиков-Шчедрин ўзининг «Тошкентлик жаноблар» китобида қуйидагича шарҳлаб берган: «Мабодо сиз статистика жадвалларида аҳолиси фалонча, черковлари фалоича, ўқув юртлари йўқ, кутубхоналари йўқ, авахталари йўқ ва ҳоказо дейилган шаҳарда турган бўлсангиз, сиз ҳеч қандай хато қилмасдан, Тошкентнинг қоқ киндигида турибман деяверинг».

Ленин ана шундай аянчли ва тенгсиз ҳаётга қарши курашди. У 1916 йилдаёқ «Ўз тақдирини ўзи белгилаш тўғрисида дискуссия» деган машҳур мақоласида бундай деб ёзган эди: «Интернационалист — социал-демократ бўлмоқ учун фақат ўз миллатинг тўғрисида ўйлаш керак эмас, балки барча миллатларнинг манфаатларини, уларнинг умумий озодлиги ва тенг ҳуқуқлигини ўз миллатингдан юқорироқ қўймоқ керак» (Асарлар, 22-том, 385—386-бетлар).

В. И. Ленин Россияда революцион ҳаракат тобора ривожланиб бораётганлигини қайд қилган эди. У Тошкент яқинидаги Троицкий ҳарбий лагерида 1912 йил 1 июлдаги сапёрлар қўзғолонига катта аҳамият берди. Бу қўзғолон «янги революцион юксалиш бошланганлигини кўрсатадиган янги объектив далилдир», деган эди у (Асарлар, 18-том, 407-бет).

В. И. Ленин раҳбарлигида Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қозонди. Бу ғалаба жаҳоннинг революцион тараққиёт йўлини бошлаб берди ва кучлар нисбатини ўзгартириб юборди. Бу ғалаба В. И. Ленинининг шу дамгача бўлган бутун назарий ва амалий фаолиятининг чўққиси бўлди. Ана шу оловли кунларда В. И. Ленин «Дадиллик, дадиллик ва яна бир марта дадиллик!» деган шиорни қайта-қайта айтиб, революционерларни руҳлантирарди.

В. И. Ленин мамлакатимизда социалистик жамият қуриш учун олиб борилган курашнинг байроқдори бўлди. Большевиклар бошлиқ ишчилар синфи эски капиталистик дунёни таг-томири билан ағдариб ташлаб, янги, социалистик дунё қурган халқаро коммунистик меҳнат армиясининг биринчи отряди бўлиб қолди. «Биз,— деган эди В. И. Ленин,— большевиклар партияси, Россияни ишонтирдик. Биз Россияни— камбағаллар учун бойлардан, меҳнаткашлар учун эксплуататорлардан уришиб олдик. Энди Россияни идора қилмоғимиз керак». (28-том, 244-бет).

Турли-туман, ғоят кўп қиррали партия ва давлат ишлари билан банд бўлган В. И. Ленин ўзбек халқининг келажак тақдири билан шуғулланишга ҳам вақт топар эди. В. И. Ленин бундай деб ёзган эди:


«Сизнинг дин ва урф-одатларингиз, сизнинг илмий ва маданий муассасаларингиз бундан бўён эркин ва даҳлсиз деб эълон қилинади. Ўз миллий турмушингизни эркинлик билан ва баҳузур туза беринг из. Шундай қилишга ҳақлисиз. Билингизки, сизнинг ҳуқуқингиз ҳам Россиядаги барча халқларнинг ҳуқуқи каби революция ва унинг органлари бўлган ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Советларининг бутун қудрати билан ҳимоя қилинади».

В. И. Ленин революциянинг муҳим ҳужжатлари «Россия халқлари ҳуқуқларининг декларацияси», «Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига», «Туркистондаги коммунист ўртоқларга», «Самарқанд коммунистларига», «Орол денгизидаги ишчи, балиқчи ўртоқларга» каби асарларнинг ижодкоридир. Буларда у Туркистон меҳнаткашларига Совет ҳокимиятининг сиёсатини тушунтириб берди. «Туркистон халқлари билан тўғри муносабат боғлаш,— деб ёзган эди В. И. Ленин,— эндиликда Россия Социалистик Федератив Совет Республикаси учун ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, жуда катта жаҳоншумул-тарихий аҳамиятга эгадир». (30-том, 134-бет).

Туркистон коммунистлари улуғ доҳийнинг бу кўрсатмаларини шараф билан бажардилар. В. И. Ленин ўлка партия ва совет ташкилотларига ёрдам бериш учун Тошкентга Петр Алексеевич Кобозевни юборган. Унинг «Ҳукуматни Ўрта Осиё ва Боқудаги фавқулодда комиссари» дейилган мандатига шахсан В. И. Ленин имзо чеккан эди. П. А. Кобозев Тошкент аҳолисига ёрдам бериш мақсадида жуда катта тадбирларни амалга оширди. У ёзган хатларининг бирида бундай дейилган эди.

«Ғалланинг Тошкентга етиб келиши учун жуда қатъий чоралар кўришни талаб этаман. Қуршалган оч Тошкентга ғалла беринглар». Кобозев Тошкентдаги аҳвол тўғрисида В. И. Ленинга доимий ахборот бериб турди.

В. И. Ленин миллий республикаларда шошма-шошарликка йўл қўймасликни талаб қилди. У конкрет маҳаллий шароитда кўпроқ эҳтиётқорлик билан иш кўрмоқ, кўпроқ сиёсий ҳушёр бўлмоқ, майда буржуазияга, миллий зиёлиларга ва айниқса деҳқонларга маълум даражада ён бермоқ лозим эканлигини уқтириб ўтган эди. В. И. Ленин бу ерда «Социализмга анча секинлик, анча оҳисталик ва изчиллик билан ўтиш... лозим...» деб кўрсатган эди.



В. И. Ленин, ленинчи большевиклар Н. В. Шумилов, А. А. Казаков, В. Д. Вотинцев, В. Д. Фигельский, А. И. Фролов, Е. А. Бабушкин, П. Г. Полторацкий ва бошқалар таъсири ва етакчилигида Туркистонда С. Қосимхўжаев, О. Бобожонов, А. Раҳимбоев, Д. Зокиров, Н. Хўжаев, Х. Иброҳимов, М. Миршаропов, Я. Хўжаев ва бошқа йирик революционерлар етишиб чиқди.

В. И. Ленин қолоқ ўлкаларнинг социализмга ўтиши ҳақида янги назарияни яратди. Октябрь революцияси ғалабасидан кейинги мавжуд шароитда «...қолоқ мамлакатлар илғор мамлакатларнинг пролетариати ёрдами билан капиталистик тараққиёт босқичини четлаб ўтиб, совет тузумига ва тараққиётнинг муайян босқичлари орқали коммунизмга ўтишлари мумкин», деб айтган эди В. И. Ленин (31-том, 247-бет).

В. И. Ленин илғор революцион Совет Россиясининг Ўрта Осиё халқларига қардошларча ёрдамининг ташаббускори бўлди. Партиянинг доно раҳбарлиги ва қардош халқларнинг ёрдами ўзбеклар диёрида қолоқликнинг тугатилишига олиб келди.

1918 йил 22 апрелда В. И. Ленин Туркистон ўлкаси советлар съездига қуйидаги телеграмманги йўллайди: «Ўртоқлар. Халқ Комиссарлари Совети Сизнинг ўлкангизнинг Совет асосида автономия бўлишини қўллаб-қувватлайди, бунга шубҳаланмасангиз ҳам бўлади».

1918 йилнинг июлида Туркистонда аҳвол оғирлашди. Бу ҳақда Туркистон республикаси Халқ Комиссарлар Советининг раиси Ф. Н. Колесов 15 июлда В. И. Ленинга радиограмма йўллади. В. И. Ленин 17 июлдаёқ жавоб телеграммасини юборди. Бунда қуйидаги сўзлар ёзилган эди: «Сизларга ёрдам бериш учун мумкин бўлган барча чораларни кўрмоқдамиз. Полк юборамиз. Чехословакларга қарши чоралар кўрмоқдамиз ва уларни мажақлаб ташлашимизга шубҳа қилмаймиз. Руҳингизни туширманг».

Владимир Ильичнинг бу оддий ва ишончга тўла сўзлари республика меҳнаткашларининг руҳини кўтарди ва душманларга қарши кучқувват бахш этди.

1919 йилнинг октябрь ойида В. И. Ленин ташаббусига кўра Туркистон ишлари билан шуғулланувчи махсус комиссия тузилади. Бу комиссия Тошкентга келганда ўзи билан бирга В. И. Ленинининг «Туркистондаги коммунист ўртоқларга» деган тарихий мурожаатини олиб келди. Бу мурожаат республика коммунистлари учун узоқ йилларгача қўлланма бўлиб хизмат қилди.

Туркистон коммунистларига яқиндан ёрдам бериш мақсадида В. И. Ленин таклифи билан РКП(б) Марказий Комитетининг Туркистон бюроси ташкил қилинди.

Бу ташкилотларда М. В. Фрунзе, В. В. Куйбишев, Я. Э. Рудзутак каби партиянинг буюк намояндалари ишладилар.

Туркқомиссия ва Туркбюро дастлабки пайтларда бир-бири билан ҳамкорликда ишлаб, ўлкадаги партия ташкилотларига жуда катта назарий ва амалий ёрдам бердилар. Кейинчалик Туркбюро ўрнига Ўрта Осиё бюроси ташкил қилинди ва бу бюро 1922—1934 йиллар мобайнида самарали фаолият кўрсатди.

Халқимиз партия ташкилотида ишлаб, социалистик жамият қуришда бош-қош бўлган В. И. Ленининг ҳамнафас сафдошлари Гусев, Варейкис, Зеленский, Бауман ва бошқалар хотирасини ўз дилида абадий сақлайди.

В. И. Ленин раҳбарлигида Ўрта Осиёда йирик партия ва давлат арбоблари тарбияланди. Ўзбек халқининг асл фарзандлари— Акмал Икромов, Йўлдош Охунбобоев, Файзулла Хўжаев, Низомиддин Хўжаев, Миркомил Миршароповлар шулар жумласига кирадилар.

Социализмнинг машъали

В. И. Ленин Ўрта Осиёнинг гуллаб-яшнашини, қисқа муддат ичида асрлар бўйи қолоқ бўлиб келаётган ўлкани социализмнинг Шарқдаги машъалига айлантириб юборишни истар эди. Ўзбек халқи мисолида инсониятга ва айниқса Шарқдаги миллионларча меҳнаткашларга янги ижтимоий тузумнинг илғорлиги ва устунлигини намойиш қилиш мумкин эди. «Совет ишчи-деҳқон республикасининг,— деб ёзган эди В. И. Ленин,— кучсиз, шу дамгача эзилган мазлум халқига муносабати бутун Осиё учун ва жаҳондаги ҳамма мустамлакалар учун, миллион-миллион кишилар учун амалий аҳамиятга эга бўлди».

В. И. Ленин Ўзбекистонда нефть, кўмир, электроэнергия саноатини ривожлантириш ҳақида ғамхўрлик қилди. 1920 йил 14 декабрда РСФСР Халқ Комиссарлари Совети «Туркистоннинг ўз тўқимачилик-механик машиналар ишлаб чиқариши»ни ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилди.

В. И. Ленининг сафдошларидан бири Наримон Наримонов бундай деган эди: «Владимир Ильич Ленин... автоном ва мустақил республикалар орасида Туркистон билан Озарбайжонга алоҳида эътибор берди. Бу республикалар Шарқнинг дарвозасидир, уларда бўлаётган ҳамма иш бир зумда қўшни давлатларга ёйилади ва бу мамлакатларнинг эзилган халқлари биз қанақа эканлигимизни билиб, сезиб оладилар». В. И. Ленининг Туркистон халқлари билан бўлган ниҳоятда самимий алоқалари ҳақида ажойиб тарихий ҳужжатлар сақланиб қолган.

1920 йил бошларида Туркистон фронтининг Қизил армия вакиллари билан қилган суҳбатида В. И. Ленин жумладан қуйидагиларга эътибор берган эди. «Туркистондаги иш,— деган эди у,— ҳозирги пайтда гоят катта халқаро аҳамиятга эга. Бизнинг Шарққа оид сиёсатда муваффақиятга эришувимиз Тошкентдаги ишларимизнинг усталик билан ва тўғри қўйилишига боғлиқ». — Сўнгра Ильич, «Совет Туркистони империализм томонидан асоратга солинган қўшни халқлар учун жозиба маркази ва яққол намуна бўлиб қолар» деб айтган эди. («Правда» газетасининг 1927 йил, 22 апрель сони).

В. И. Ленин Туркистон вакиллари билан самимий суҳбатлашар эди. У 1920 йилнинг июль ойида Туркомиссия аъзолари Я. Э. Рудзутак ва Ш. З. Элиава билан, Туркистон делегацияси аъзолари Т. Рисқулов, Н. Хўжаев, Г. Бех-Иванов билан суҳбатлашди. Бу учрашувда Туркистон Коммунистик партиясининг навбатдаги вазифалари муҳокама қилинди ва В. И. Ленин бу масала юзасидан ўз фикрини баён этди.

1920 йилнинг май ва июнь ойларида РКП(б) Марказий Комитети сиёсий бюроси В. И. Ленин иштирокида Туркистон тўғрисидаги масалани тўрт марта кўриб чиқди. Бунда ўлкадаги танг аҳволни яхшилаш тадбирлари белгиланди.

В. И. Ленин Ўзбекистондан борган хотин-қизлар билан 1921 йилнинг июнида учрашган эди. Республикамизнинг йирик намояндаларидан бири бўлган Шамсиқамар Ғойибжонова ана шу учрашувда қатнашган. Н. К. Крупская ва Шамсиқамар Ғойибжонова бу қизғин учрашув ҳақида ҳаяжонланиб ёзишган. Тарихий учрашувда В. И. Ленин «Шарқ хотин-қизларининг Москвага келишининг ўзи —асрлар бўйи эзилиб ётган ўлкаларнинг уйғонганлигини кўрсатиб турибди»,— деб таъкидлаган эди.

В. И. Ленин Туркистон халқларининг маданиятини ривожлантиришда катта жонбозлик кўрсатди. 1918 йилдаёқ В. И. Ленин Тошкентда университет ташкил қилиш ҳақида А. В. Луначарский билан фикрлашган эди. Шундан кейин университет ташкил қилиш бўйича тайёргарлик ишлари бошланиб кетди. Бу ишда Л. Б. Красин ва Н. А. Семашко ҳам катта жонбозлик кўрсатдилар.

Тошкентда университет ташкил қилиш масаласи РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг 1920 йил 7 сентябрь мажлисида муҳокама қилинди. Бу мажлисда В. И. Ленин раислик қилган эди. Тошкентда университет ташкил қилиш масаласи бўйича РСФСР маориф халқ комиссариати олий ўқув юртлари бўлимининг бошлиғи, машҳур тарихчи олим М. Н. Покровский доклад қилди. Муҳокамада В. И. Ленин фаол қатнашди. Натижада халқ комиссарлари совети Тошкентда университет ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилди. В. И. Ленин янги университетга қарашли лабораторияга, кутубхона, айниқса профессор ва ўқитувчиларни танлаш ва Тошкентга юбориш ҳақида саталарча ғамхўрлик қилди.

Тошкентда Давлат университетининг вужудга келиши ўзбек, тожик, қозоқ, қирғиз, туркман, қорақалпоқ халқларининг маданий ривожланишида катта бурилиш бўлди. Кейинчалик бу университетнинг кадрлари ўлка халқ хўжалигини ривожлантиришда катта куч бўлиб хизмат қилдилар. Ҳозирги кунда эса Ўрта Осиё республикаларида ўнлаб олий ўқув юртлари ишлаб турибди. Бу катта ютуқдир. Бу ютуқни биз В. И. Ленин ташкил қилган университет заминида қўлга киритдик.

Коммунистик партия мамлактимизда маданий революция ҳақидаги ленинча назарияни амалга оширди. Ҳозир Совет Ўзбекистони саводхонлар республикасидир. Республикада мунтазам ишлаб турган 43 олий ўқув юрти. Фанлар академияси, мактаб ва техникумлар, театрлар халқимизнинг ғурури ва фахрига айланди.

Халқ шоири Ғафур Ғулом «Ленин чашмаси» шеърида халқимиз тақдирида Ленининг ролини жуда ҳам яхши кўрсатган.

Улуғ Ленин бизга атаб
қўмсаган замин шудир.
Гражданлик ярашди
бизга, асрдош ўртоқ.
Инсоният ўз шаънига
тонди муносиб ғурур
Яшаётган кунларимиз
бир-биридан ярқироқ...

Тошкент аҳолиси учун В. И. Ленин номи умид ва куч рамзи эди. Москвадан Туркистонга юборилган большевик А. А. Иоффе қуйидаги таассуротини ёзган эди: «Оммада (камбағалларда) ўша дамдагидай ҳушвақтликни мен кейин ҳеч қачон кўрмадим... Ленининг вакили келганлиги ҳақидаги хабар ҳамма ерга яшин тезлигида тарқалиб кетганлигидан халқ оломони мени шод-ҳуррамлик билан қарши олди. Бу билан ўртоқ Ленин олдида шод-ҳуррамлик билан таъзим бажо қилгандек эди».

1923 йилда В. И. Ленин Тошкент советининг фахрий аъзоси қилиб сайланган. Бу ҳақдаги депутатлик дафтари ҳозир Ленин музейида сақланмоқда. Бу тарихий ҳужжат Тошкент аҳолисининг В. И. Ленинга бўлган ҳурматини кўрсатувчи ёрқин мисолдир.

В. И. Ленин 1920—1923 йилларда Тошкент, Фарғона, Хоразм, Самарқанд ва Бухоро меҳнаткашларидан жуда кўп хатлар олди. Буларда ўзбек халқининг доҳийга бўлган чексиз меҳр-муҳаббати, ҳурмати акс эттирилган эди. Қуйида шулардан айримларини келтирамиз:

«Москва. Кремль. Ўртоқ Ленинга. Шарқни озод қилиш союзи комитетининг 14 ноябрь (1920 йил) куни Тошкентда Шайхантовур масчити биносида бўлиб ўтган биринчи таъсис мажлиси Сизни, яъни Шарқни жаҳон империализмидан озод қилиш учун курашчини табриклайди».

Доҳий ғоялари—амалда

Доҳий Ленининг музаффар коммунистик ғоялари ўзбек халқининг қалбига, онгига мағз-мағзигача сингиб кетган. Бу ғояларга қаршилик кўрсатганлар кўп бўлди. Аммо улар Ленин нурларига дош беролмай, тарих саҳнасини бўшатишга мажбур бўлдилар.

Улуғ Ленин одимлари нақадар шарофатли, нақадар тароватли, нақадар саховатли! Маълумки, чоризм даврида қозоқлар, қирғизлар, туркманлар, тожиклар, уйғурлар, қорақалпоқлар яшайдиган ерлар кичик-кичик бўлакларга бўлиб ташланган эди.

В. И. Ленин Ўрта Осиёда миллий чегараланиш ўтказиш зарурлигини 1920 йилдаёқ кун тартибига қўйган эди. Ленин ўша йили 13 июнда бундай деб ёзган:

1) Туркистоннинг Ўзбекистон, Қирғизистон ва Туркманистонга бўлинган картасини (этнографик ва ҳоказо картасини) тузиб чиқиш топширилсин.

2) шу 3 қисмнинг қўшилиш ёки ажралиш шарти муфассалроқ қилиб тушунтириб берилсин».

1922 йилда СССР ташкил топди. Бу эса инқилобий аҳамиятга эга бўлган тарихий воқеа эди. Кўп ўтмай В. И. Ленин қўйган вазифа Ўрта Осиёда миллий чегара ўтказиш комиссияларининг иши ниҳоясига етди. 1924 йилнинг октябрида Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси барпо этилди ва 1925 йил майида Совет Ўзбекистони ихтиёрий равишда СССР составига тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кирди.

В. И. Ленин Шарқ халқлари билан рус халқининг яна ҳам иттифоқ бўлиши учун астойдил курашди. У 1919 йилда «Рус меҳнаткашлар оммаси билан жуда яқин иттифоқ бўлиш» ҳақида ёзган эди.

Совет Ўзбекистони меҳнаткашлари, барча қардош халқлар билан бирга В. И. Ленин ғояларига амал қила бориб, Коммунистик партия раҳбарлигида ўтмишдаги социал ва миллий зулмни, қашшоқлик ва ҳуқуқсизликни тугатдилар.

Ленинча миллий сиёсатни оғишмай амалга ошириш натижасида Совет Ўзбекистони йирик индустриал республикага айланди. Ленин бунёд этган ҳокимият амри билан шаҳарларимизнинг кўлами ва кўркамлиги йил сайин эмас, ой сайин ортиб бормоқда.

Республикамизнинг энг олий ва муқаддас майдони — бу Тошкентдаги Қизил майдондир. Халқ уни Ленин майдони деб атайди. Байрам кунлари, тантанали маросимлар ва намойишлар ана шу майдондаги Владимир Ильич Ленининг улуғвор ҳайкали олдида ўтказилади. Бу майдонда республика ҳукумат органларининг бинолари — Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети жойлашган.

Тошкентда метро қурилди. Буни ота-боболаримиз ҳатто хаёлларига ҳам келтира олмаганлар. Ер ости бекатларининг мармар қасрлари жозибали жило топди. Бунда ҳам Ленин руҳи яшаб турибди. Шунинг учун ҳам метронинг энг гўзал саройи Ленин номи билан аталган.

Улуғ Ленин замонида забардаст ва гўзал шаҳарга айланган Тошкент ҳақида Ўзбекистон ССР янги Конституциясининг 181-моддасида бундай дейилган: «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг пойтахти Тошкент шаҳридир».

Эндиликда Тошкентнинг довруғи бутун дунёга таралган. Тарих Тошкентга «нон шаҳри», «дўстлик шаҳри» ва «тинчлик шаҳри» деб ном берди. Бу номлар берилишининг асоси бор, албатта.

Ленин даврида ҳаёт ўзгариб кетди. Кетмон, омочлар билан ер тимдалаб, қўл учида қун кўрган аждодларнинг набиралари саводхон бўлиб коммунизм пойдеворини бунёд этмоқдалар.

Бир қултум сув учун зор қақшаганларнинг авлоди қудратли насослар воситасида Амударёнинг жиловини Қарши даштлари томон бурди. От, хўкиз, туя қўшиб чиғириқда ер қаъридан сув чиқаришлар энди музей экспонатига айланиб қолди.

Арзимаган жинчироққа зўрға қурби етганларнинг эваралари қудратли ГЭС-лар қуриб, юртни Ильич нурлари билан чароғон қилиб юборди.

Чархда ип йигириб, ҳасратли хониш қилган аёлларнинг бугунги авлоди энг сўнгги техника билан жиҳозланган корхоналарда мураккаб механизмларни удабурондлик билан бошқармоқдалар.

В. И. Ленин ўлмас иши давом этмоқда. Ленинизм — бу буюк назария ва тажриба хазинасидир. «Ленинизм, — деган эди Л. И. Брежнев, — ҳозирги дунёдаги энг илғор ва нуфузли идеология, келажак эгаларининг енгилмас идеологиясидир. В. И. Ленин асарларидек асарлари кўп тарқалган одам ер юзида бўлган эмас ва йўқ».

Халқимизнинг ленинча дўстлигининг юзага келишида уларнинг орзу-умиди, ақл-идроки, таланти, қаҳрамонона меҳнати ва курашлари, энг эзгу ниятлари мужассамланди.

Халқлар дўстлигининг кучи Тошкентни қуриш жараёнида ҳам намоён бўлди. КПСС Марказий Комитети раҳбарлигида СССР халқларининг Тошкентдаги ер қимирлаш оқибатларини тугатиш учун олиб борган курашн ленинча дўстликнинг ғалаба гимнига айланди.

Улуғ Ленинга чексиз садоқат ва муҳаббат рамзи сифатида 1970 йил 17 апрелда Тошкентда В. И. Ленин Марказий музейи филиали очилди. Ғоят ҳашаматли ва улуғвор бу музей инсонга фахрланиш туйғусини уйғотади, уни дунёнинг турли китъаларидан минглаб кишилар келиб кўрмоқдалар. Музей ленинизм ғояларининг актив тарғиботчиси сифатида машҳур бўлди. Музей очилганидан кейинги даврда уни 4 миллион киши келиб кўрди.

Тошкент аҳолисининг В. И. Ленинга бўлган чексиз муҳаббати ва садоқатини ифодаловчи яна бир ёдгорлик ҳақида фикр юритмоқчимиз. Бу Тошкентдаги революцион тарихга бой бўлган Октябрь революцияси номли заводда қад кўтарган В. И. Ленин шарафига қўйилган ёдгорликдир. Бу ёдгорликнинг чуқур маъноси бор. Ер қурраси устига юлдуз шаклида ўрнатилган паровоз ғилдиракларини ҳаракатга келтирувчи бошқарув рули устида В. И. Ленин бюсти ўрнатилган. Завод ишчилари уни ардоқлаб «Революциянинг биринчи машинисти» деб айтар эдилар. В. И. Ленин ер қуррасида турган паровозни ҳаракатга келтириб, планетамизни социализм томон олиб бораётганлиги акс эттирилган.

Ҳозир В. И. Ленининг 55 томдан иборат асарлар тўплами ўзбек тилида нашр этилмоқда. Унга 9000 га яқин асар ҳамда ҳужжат кирган. Ўзбек китобхонлари доҳийнинг тўла асарлар тўплами чиқарилиши натижасида кўпгина асарларни биринчи марта она тилида ўқиш имконига эга бўладилар.

В. И. Ленин асарлари бебаҳо бойлик бўлиб, унда жамиятнинг тараққиёт қонунияти тўғрисидаги, коммунизм қуриш тўғрисидаги билимлар жамулжам бўлган.

Умумжаҳон тарихининг бутун бир даври, энг машҳур революцион ишлар, жаҳон социал қиёфасида юз берган туб ўзгаришлар ленинизм номи билан боғлиқдир. Ленин таълимоти туфайли халқаро ишчилар синфи қудратли назарий қуролга, революцион ҳаракатларнинг ҳар томонлама ишлаб чиқилган программасига эга бўлди.

Партия ишларида Ленининг улкан ақл-заковати жўш урмоқда. Ленининг оташин қалби тепиб турибди. Владимир Маяковский бундай деб ёзган эди:

Партия ва Ленин
қондош— эгизак,—
Она тарих учун
қай бири қиммат?
Ленинни англаймиз
партия десак,
Ленин деганимиз партия
демак.

Партия, бутун совет халқи ривожланган социалистик жамиятни янада такомиллаштиришнинг хилма-хил вазифаларини ҳал этишда Ленин таълимотига асосланади. Партия чинакам халқ ҳокимиятини вужудга келтирди. Бу СССРнинг ва Ўзбекистон ССР янги Конституцияларида ўз ифодасини топди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежнев кўрсатиб ўтганидек, «...Иттифоқдош республикалардаги барча партиялар сингари Ўзбекистон Коммунистик партияси ҳам КПССнинг катта ва жанговар отрядидир. Республикамизнинг ҳозирги ва келажакдаги ҳамма ютуқлари Ўзбекистон Коммунистик партиясининг гоявий-сиёсий ва ташкилотчилик фаолияти билан чамбарчас боғланган. Республика коммунистларининг қарийб ярим миллион кишилик армияси партиямиз ленинчи Марказий Комитетининг содиқ ғоялари бўлиб келди ва бўлиб қола беради. Марказий Комитетимизнинг ва бутун партиямизнинг қуч шундаки, Марказий Комитет сизнинг партия ташкилотларингиз ва бошқа партия ташкилотларининг коммунистларига чексиз ишонади ва ўз навбатида, коммунистларимизнинг ҳаммаси ўзининг ленинча Марказий Комитетига чексиз содиқдир, бизнинг кучимиз мана шундадир. Ўзбекистон Коммунистик партияси, унинг Марказий Комитети ва Марказий Комитет бюроси бундан буён ҳам ўз олдида турган вазифаларни шараф билан бажаришга, улуғ Ленин ишига чексиз садоқатни сақлаб қолишига ғоят аминмиз». (Л. И. Брежнев. «Совет Ўзбекистони», 1973 йил, 25 сентябрь).

Владимир Ильич Ленин ғоялари коммунистлар фаолиятида, шу жумладан Ўзбекистон коммунистлари фаолиятида, қаҳрамон ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, совет зиёлилари меҳнат зафарларида яшамоқда ва тантана қилмоқда.

КПСС XXV съезди В. И. Ленин ва ленинизм ғояларининг тантанасини яна бир марта намойиш қилди.

КПСС XXV съезди тасдиқлаган беш йиллик планида СССРнинг ягона хўжалиги доирасида Совет Ўзбекистонининг умумдавлат вазифаларини ҳал этишга қўшадиган ҳиссаси кўпаймоқда. Партиянинг ленинча миллий сиёсатига мувофиқ республикалар экономикаси ривож топади, иқтисодий алоқалар ривожланади, уларнинг ленинча бузилмас дўстлиги ва қардошлиги мустаҳкамланмоқда.

КПСС XXV съезди — ленинча интернационализм ғояларининг тантанаси бўлди. СССР ва КПСС Ленин ғояларига қатъий амал қилиб, бутун дунёда революцион ҳаракатнинг, тинчликнинг энг мустаҳкам таянчига айланди ва айни вақтда ўз халқини Ленин кўрсатган йўлдан— коммунизм йўлидан дадил ва зўр ишонч билан олиб бормоқда.

В. И. Ленининг номи, унинг ишлари ва таълимоти асрлар оша абадий яшаяжак!

Қодир ФОЗИЛХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти директорининг ўринбосари, профессор.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Г. ТУЛЯЕВА: Мен опера ва балет асарларига жуда қизиқаман. Тошкентда биринчи опера асари қачон қўйилган? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Жавоб: 1939 йили республикамиз пойтахтида биринчи миллий операнинг премьераси бўлган. «Бўрон» дея аталган бу опера томошабинлар н и н г қизғин олқишига сазовор бўлган ва кетмакет қирқ марта такрор қўйилган. Асар партитурасини композиторлар С. Василенко ва М. Ашрафий яратган, опера либреттосини Комил Яшин ёзган. «Бўрон» операсида оддий қиз Норгулнинг бора-бора халқ қасоскори даражасига кўтарилиши ҳикоя қилинади. «Бўрон» операсининг юзага келиши миллий музика маданиятимизнинг улкан ютуғи бўлди. Бу асарни саҳналаштирган театр опера ва балет театрига айлантирилди ва Алишер Навоий номидаги Қизил Байроқ орденли ўзбек Давлат опера ва балет театри, деб номланди.

Кейинчалик бу асар Катта Фарғона канали бунёдкорларига ҳам бир неча марта намойиш этилди.

* * *

Т. НОРМАТОВ: Кино кўриш жуда яхши, айниқса, сермазмун кинолар кишига завқ-шавқ бағишлайди. Шу соҳага қачон асос солинганлигини билишни истар эдим.

Жавоб: Чиндан ҳам кинематография сеҳрли ва қудратли соҳа. Санъатнинг бу тури «барча халқларга тушунарли» (Л. Толстой) ҳамда кенг миқёсларга эга. Кинематография XIX аср охирида— 1895 йилда Францияда рўёбга чиқди.

Ака-ука Льюмерлар яратган бу кашфиёт оддий оқ мато ва уч оёқли «чигирик»ка ўхшаш нарса кино номи билан оламга ёйилди.

* * *

А. СУЮНОВ: Ҳар ёз Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатлари V халқаро Тошкент кинофестивали очилади. Дастлабки фестиваль қайси йили бўлган?


Жавоб: 1958 йили Тошкентда Осиё ва Африканинг 20 мамлакати кинематографлари иштирокида кинофестиваль ўтган эди. Унда 60 та бадиий ва ҳужжатли фильмлар намойиш этилган. Орадан ўн йил ўтгач, 1968 йилнинг октябрида Тошкентда Осиё ва Африка мамлакатлари прогрессив кино санъаткорлари яна учрашишди. Бу— биринчи Халқаро Тошкент кинофестивали эди. Шундан буён бу анъанавий фестиваль муттасил давом этиб келмоқда.



«Нисса— 521» маркали 41—47 ТНЗ автомобилининг ҳайдовчиси Геннадий Бондаренко Уста Ширин кўчаси бўйлаб борар эди. Агрегат заводи дарвозасига етгач, чап томон охирги йўлга ўтиб олди ва бурилиш чироғини ёқиб чап томонга бурила бошлади. У эндигина асосий йўлдан ўтиб олган ҳам эдики, салоннинг чап томонига урилган зарбани сезди. Автобусни тўхтатиб тушганда «Урал—3» 97—32 ТНВ мотоциклини ҳамда тўқнашувдан жабрланиб ётган мотоцикл ҳайдовчисини кўрди. Мотоцикл ҳайдовчиси бош миясидан қалқиган ва кўп жойлари жароҳатланган ҳолда 17-шаҳар касалхонасига келтирилди.

Кейинчалик ана шу мотоциклни кайф билан ва ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлмаган ҳолда Собир Раҳимов район телефон алоқа бўлими линия кабель иншоотлари бошлиги Илҳом Иноятов ҳайдаб келаётганлиги маълум бўлди.

Йўл ҳаракати қоидаларини бузган И. Иноятов тўғрисидаги материал Давлат автоинспекцияси маъмурий комиссиясига ҳавола қилинди.



• *Меъморчилик устахонасида*

«МОВИЙ ТЎЛҚИН»

Иссиқкўл соҳилида қад ростлайдиган болалар санаторийси ана шундай номланади. Бу бино лойиҳасини «ГипроНИИздрав» илмий-текшириш лойиҳа-институтининг Ўрта Осиё филиали архитекторлари Қирғизистон ССР соғлиқни сақлаш министрлигининг буюртмасига биноан яратишди. Лойиҳа авторлари М. Ирмонов, И. Муҳамаджонов ва инженер М. Мацкеевичдир.

«Мовий тўлқин» санаторийсида сил касалликлари билан оғриган болалар дам олишади ва даволанишади. У 320 нафар кичкинтойга мўлжалланган. Шунингдек, санаторий территориясида ота-оналар учун пансионат, бассейн, спорт иншоотлари ва майдончалари қуриш ҳам кўзда тутилган.

СУРАТДА: санаторий биносининг лойиҳаси.

Х. Мирзакаримов фотоси.

Шанба оқшоми

• *Шифобахш неъматлар*

ҚОРАҚАНДНИНГ ҚАНДАЙ ХОСИЯТИ БОР?

Ҳурматли редакция! Қорақанд ўсимлигининг жуда кўп хосиятлари бор дейишади. Бу қандай ўсимлик, қанақа хасталикларга даво бўлади, ҳозирги замон медицинасида ҳам ишлатиладими? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

И. АЛИЕВА, Р.ОЛИМОВ, ўқитувчилар.

Ўлкамизнинг йигирма минтга яқин ўсимликлари орасида қорақанд ўзининг кўпдан-кўп хосиятлари билан ажралиб туради. Қорақанднинг шифобахш хусусиятлари мелоддан олдинги вақтларда ҳам маълум эди. Кўхна Бобил ва Ҳиндистонда табиблар қорақандни қонни покизаловчи омил сифатида тавсия этишган. Оссурия шоҳи Ашшурбанипалнинг шахсий қироатхонасида сақланувчи, бундан 2670 йил муқаддам сопол тахтакачларга ёзилган китобга қараганда, қорақанд қонни покиза қилиш билан бирга, инсоннинг етти мучасига ором бағишлар экан.

Табобат илмининг бобокалони Абу Али ибн Сино қорақандни чанқоқ қолдирувчи, иситма ҳуружидан халос қилувчи, юракка далда берувчи ҳамда жигар хасталикларига шифо бўлувчи омил сифатида тавсия этган.

Халқ табобатида қорақанд асаб фаолияти сустланишида (неврастения), ошқозон-ичак касалликларида, сариқ касалида тавсия этилса, ўсимлик илдизидан тайёрланган қайнатма (пўстлоғидан ажратилган) безгак ва бод азиятларига малҳам ҳисобланади. Қорақанд маҳаллий тилимизда қора зирк деб номлангани учун ҳам баъзан ўсимлик илдизидан тайёрланган қайнатмани «қиёми зирк» деб атаймиз. Уни тоҳо суюлтириб оғиз бўшлиғи яллигланишида ва кўз касалликларида ишлатилади. Буидан ташқари, қорақанд халқ табобати амалиётида юрак бе-ҳаловатлигида, шақиқа (мигрень) хасталигида, бемавруд қон кетишида, ҳароратни пасайтиришда, уйқуга ором беришда кенг кўламда қўлланиши билан бирга, қон босимини пасайтирувчи восита сифатида тавсия этилади. Қорақанд солинган овқатлар хушхўрлиги билан иштаҳани очиб юборади.

Илмий медицинамиз қорақандниг серҳосият тарафларидан тадбиркорлик билан фойдаланмоқда. Зирк асосида тайёрланган дори-дармонлар сариқ касалида ўт ҳайдовчи бўлиб, ўт халтасининг шамоллаши билан боғлиқ бўлган касалликларда, ўт пуфагида тош бўлганида ҳосил бўлувчи оғриқларга панд берувчи омил ҳисобланади. Бу борада зирк боргларидан тайёрланган спиртли димламалар (настойка) ҳар хил кўринишдаги қон кетишларга барҳам берувчи бўлиб хизмат қилади.

Италиялик шифокорларнинг берган маълумотларига қараганда, зирк асосида олинган препаратлар, шу жумладан, меванинг ўзи ҳам безгак асоратидан талоқнинг кўпчиб кетишида жуда яхши натижа берар экан. Ҳиндистонлик шифокорларнинг ахборотига қараганда, зирқдан олинган препаратлар хавфли ришта касаллигининг кушандаси бўлиб хизмат қилиш билан бирга, ёмон жароҳат («пендий ярасн») авж олишига хотима бериб, уни натижали даволайди.

Кези келганда, қизиқарли маълумот билан ўқувчиларимизни хабардор қилмоқчимиз: хавфли ўсмаларни даволашда ишлатилувчи, унинг қулоч отишига раддиялик қилувчи Здренко йигмасига зирк ўсимлигининг илдизи асос бўлади.

Қорақанд бизнинг ошиёнимизга мансуб, бўйи тўрт қулочга борадиган бутасимон ўсимлик. Уни биз табиий ҳолда Тошкент, Самарқанд, Андижон, Сурхондарё, Қашқадарё областлари ва бошқа кўпгина жойларимизда учратиб турамиз. Ўсимлик маданийлаштирилган ҳолда ҳам кўзга ташланиб туради. Уни асосан сервиқор тоғларимизнинг ўрта қисмидаги тошли ялангликларда, тоғ этакларида, қияликларда ошиён топганини кўрамиз. Ўсимликнинг пояси сершох ва тикандор бўлади. Мурғак шохчалари қўнғир, катта шохлари қулранг тусли бўлиб, гуллари заъфарон, шингилсимон тўпгулни ҳосил қилган бўлади. Ўсимлик мева берганда янада зийнатлашади, унинг ложувард янглиғ шодасида мевалари ўзгача бир дилраболикни кашф этади.

Қорақанд меваси таркибида ўнга яқин алкалоидлар, бўёқ моддалар, витаминлар, қанд, микроэлемент ва егулик жавҳарлар жо бўлган. Ўсимликнинг барглари С ва Е витаминга бой бўлиб, унинг илдизлари эса ошловчи ва шопирувчи моддаларни сақлайди.

М. НАБИЕВ,
доришунос, санитария, гигиена ва касб касалликлари институтининг катта илмий ходими.

• *Кенг истеъмол буюмлари*

Пишиқ ва чиройли

Тошкент ўйинчоқлар фабрикаси коллективи тайёрлаётган ўйинчоқ ва қўғирчоқлар чет эллик болаларга ҳам манзур бўлмоқда. Жумладан, корхона коллективи англиялик болалар учун ўйил бошидан буён етказиб берган «Конструктор» ўйинчоқ самолётлари 22 минг донага етди.

Кичкинтойларга қуювонч бағишловчи буюмлар сифатига ва ассортиментига алоҳида эътибор бериляпти. Бунинг натижасида кейинги икки йил мобайнида олтита ўйинчоқ Давлат Сифат белгисига сазовор бўлди. Булар «Темурид», «Зумрад», «Тўлғаной», «Шарик», «Тимсоҳ Г е н а», «Шошмайтур, қуён» каби ўйинчоқлардир. Яқинда яна бир буюм —«Шошмай тур, Бўри» қўғирчоғига ҳам фахрли беш қиррали белги берилди.

Рангли «Горизонт»

«Горизонт»лар оиласи яна биттага кўпайди. Минскдаги «Горизонт» ишлаб чиқариш бирлашмаси рангли «Горизонт—723» телевизорини ишлаб чиқара бошлади.

Унда илгариги телевизорларнинг барча афзалликлари сақлаб қолинган. Бироқ овоз эшитилиш қисми ўзига хос бўлиб, у телевизорнинг остки қисмига ўрнатилган. Шунингдек, телевизорда интеграл схемаларда жамланган электрон бошқариш блоки (сенсор) мавжуд. У илгариги блокларга қараганда фойдаланиш учун анча қулай ва ишончли.



Курск трикотаж комбинатининг коллективи бу йил ўтган йилгига нисбатан 1 миллион 200 минтга кўп турли буюмларни ишлаб чиқаради. Комбинат маҳсулотларини харидорлар севиб харид қилишади. Чунки уларнинг аксарияти Сифат белгисига сазовор бўлган.

СУРАТДА: Т. Жиляева комбинатда ишлаб чиқарилаётган янги аёллар костюмини намойиш этмоқда.

ТАСС фотохроникаси.



Кичкинтойлар учун мўлжалланган мана бу чиройли костюмларни Боку тикувчилик бирлашмаси ишлаб чиқаради. Бу костюмлар Давлат Сифат белгисига сазовор бўлган.

ТАСС фотохроникаси.

Доғ кетказади

Агар кийимингизга сиёҳ ёки мой теккан бўлса, уни кетказишда «Нямунас» ва «Ирень» доғ кетказувчи препаратларидан ёрдам беради. Уларни Уралдаги Бутунитгифоқ «Химпроект» институтининг филиали тавсияси билан «Литбитхим» ишлаб чиқариш бирлашмаси тайёрлаяпти. «Нямунас» оқ ва рангли ипгазлама, жун, шойи ва синтетик материаллардаги сиёҳ доғларини кетказишга мўлжалланган. У 100 граммли шиша идишда чиқарилмоқда. Баҳоси 23 тийин.

«Ирень» ҳам шеригидан қолишмайди. Бу препарат ёрдамида ёг-мой, сут, шўрва, соус, кофе, шоколад, вино, мураббо доғлари тез кетади.

Ҳамшаҳарлар, сизлар бўйича

Уй тўйлари

Жуковский кўчасидаги «Марказ— 1» кварталида беш қаватли 40 хонадонга мўлжалланган турар жой бинои фойдаланишга топширилди. Янги лойиҳа асосида қурилган бу уйнинг хоналари кенг, ёруғ, айвонларига ром ўрнатилган. Бинони «Главташкентстройпинг 13-қурилиш бошқармасидаги Тўлқин Самиғов бошчилик қилаётган комплекс коммунистик меҳнат бригадаси азаматлари бунёд этди.

Москва олимпиадасига бағишлаб

Шаҳримиздаги «Сувенир» фабрикасида Москва олимпиадасининг белгиси туширилган маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошланди. Ёғоч ваза, шох, суяк ва металдан ишланган хар хил ёдгорликлар кўркамлиги билан диққатга сазовордир.

Бадиий буюмлар фабрикасида ҳам «Олимпиада-80»га бағишлаб «Бодомча» дўпписи ишлаб чиқаришга киришилди.

Янги маршрут

Ҳозир 4-автобус паркининг 120 автобуси 8 маршрут бўйлаб қатнаётган бўлиб, ҳар куни беш мингдан ортиқ йўловчи ҳожатини чиқармоқда.

КЕЧА

яна шу паркка қараши ли яна бир янги маршрут йўловчилар хизматига чиқарилди. Бу 57-маршрутдаги автобус бўлиб Олой бозоридан Эркин посёлкасигача қатнайди. Ҳозирча саккизта автобус йўловчилар ҳожатини чиқармоқда. Кейинчалик машиналар сони ўнтага етказилади.

Ҳикмат

Ҳалол меҳнат, муҳтожларга ёрдам, ғазаб вақтида ёмон сўзлардан тийиш, бировни ранжитишдан қўлни тийиш, камчиликни битириб, ёмон ҳулқ-атворни тузатиб, гўзал аҳлоқ эгаси бўлиш — энг зўр фазилатдир.

★ Абу Али ибн Сино айтади:

Тўғри йўлдан ажралмаслик, инсофли, адолатли бўлиш, нафснинг ҳар орзусини бажо келтирмаслик, олим, фозиллар билан суҳбатдош бўлишлик, катталарга ҳурмат, кичикларга шафқат ва марҳамат этиш, самимий дўстларнинг маслаҳатлари билан ишга тутиниш, меҳнатжларга ёрдам этиш эзгуликнинг маъданидир.

★ Шайх Саъдий айтади:

Ҳикоят — бир улуғ, мўътабар одамдан бир фикр, бир мақсадда бўлган самимий дўстларнинг аҳлоқи ҳақида сўрадилар. Улуғ зот айтди:

— Уларнинг эътиборсиз саналгани, энг пасти ўз тилак, орзусидан аввал дўстларининг тилак, орзуларини бажо келтиради.

Донишмандлар: «Ўз ғарази, манфаатпарастликдан озод қилсак, яхшилик томонига қадам ташлаган бўламиз. Аҳлоқ учун ягона ва соғлом асос— яхшиликдир. Аҳлоқ яхшилик фикридан ва фазилат асосидан бошқа бир асос узра бино этилмайди.

★ Виждон яхшиликни ёмонликдан ажратувчи ҳокимдир.

★ Баланд ҳимматли кишилар иззат ва ҳурматга сазовордирлар. Улуғлик ва саодатмандлик баланд ҳимматлик билан йўлдошдир.

Алишер Навоий айтади:

Бировким унга ҳиммат ўлди баланд,
Эрур олам аҳли аро аржуманд[1].
Бировким унинг ҳиммати йўқ турур,
Ғани бўлса ҳам ҳурмати йўқ турур.

★ Суқрот ҳаким айтади:

Ҳафталик программа

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

24 АПРЕЛЬ — ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг

«Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 Мультфильмлар программаси. 10.25 Болалар учун. «Қизил асаларилар». Бадиий фильм. 11.35 «Хотин-қизлар — Россия шоирлари». 15.00 Португалиянинг миллий байрами — Озодлик кунига «Аванте, камарада!». «Олга, ўртоқлар!». Телевизион ҳужжатли фильм. 15.50 «М. Светлов поэзияси». 16.20 «Ленин номи билан» Кинопрограмма. 16.50 «Онамларнинг мактаби». 17.20 «Жасорат».

18.00 Классик кураш бўйича Европа чемпионати. Ғолибдан олиб кўрсатилади. 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Қувноқ ноталар». 19.00 «Учинчи йил — зарбдор йил». 19.45 «Музикальная жизнь». Телевизион журнал. 20.30 «Дўстим, жонлар фидо бўлсин Ватанга...». Публицистик спектакль. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 ВЛКСМ XVIII съездига бағишланган спорт программаси. В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Спорт саройидан олиб кўрсатилади. 24.00 Янгиликлар.

Узбекистон телевиденнесининг

программаси

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Ўзбекистон ССР саноати». Географиядан ўқув кўрсатуви. 12.00 «Сенинг орденларинг, комсомод». Телевизион ҳужжатли фильм. 1-серия. 12.25 «Ўзбекистон ССР саноати». Географиядан ўқув кўрсатуви (рус.). 12.55 «Сенинг орденларинг, комсомол». Телевизион ҳужжатли фильм. 2-серия. 17.40 Кўрсатувлар программаси.

17.45 «Бизни олға бошла, комсомол». Мактаб ўқувчилари учун адабий-музикали композиция. 18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Интернационал дўстлик клуби». Ёшларнинг халқаро бирдамлик кунига бағишланган кўрсатув. 18.45 Телетомошабинларнинг хатларига сиёсий шарҳловчи Б. Маннонов жавоб беради. 19.05 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.20 «Биз — ватанпарвар-интернационали с т-лармиз». Бадиий ҳаваскорлар конкурси ғолиблари ҳамда чет эл студентлари иштирокида ВЛКСМ 60 йиллиги ва студент-ёшларнинг Гаванада бўладиган XI жаҳон фестивалига бағишланган концерт. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Биз — ватанпарвар-интернационали с т-лармиз». Концертнинг давоми. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 С. Айний туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган тантанали кеча. А. Навоий номли Давлат академик опера ва балет Катта театридан трансляция пайтида ёзиб олинган. Кўрсатув тугагач — Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент

области учун программа

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.10 «Судхўрнинг ўлими». Бадиий фильм (рус.). 20.30 Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. «Қонунчилик ва ҳуқуқ тартибини таъминлаш». 21.00 Тошкент янгиликлари. 21.20 «Завод». Ҳужжатли фильм.

25 АПРЕЛЬ — СЕШАНБА

ВЛКСМ XVIII съездининг

очилиши

Марказий телевиденнесининг

«Восток» программаси

11.00 «Вақт» информацион программаси. 11.45 «Сеҳрли тош қўшиғи». Мультфильм. 12.05 Москва мактабларининг ўқувчилари ижросида совет шоирларининг шеърлари. 12.35 А. Хачатурян. «Тантанавор поэма». 12.55 ВЛКСМ XVIII съездининг очилиши. Кремль Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. Кўрсатув тугагач — Совет қўшиқларидан концерт. 16.20 «Электросталликлар ташаббуси». Телевизион очерк. 16.50 Рус ва чет эл композиторларининг асарларидан концерт.

17.20 «Архитектура», «Аэропорт — шаҳар ҳаво дарвозаси». 18.00 «Горичлар, қаердасиз?». 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Рақслар қўғирчоқ ўйини бор». 19.00 «ВЛКСМ XVIII съезди делегатлари билан учрашув». 19.30 «Аланглаган йиллар қўшиқлари». 19.50 Ленин комсомолининг 60 йиллиги олдидан. «Комсомольск». Бадиий фильм. 21.30 «Вақт» информацион программаси. «ВЛКСМ XVIII съездида». 22.30 Ленин комсомоли мукофоти лауреатларининг концерти. 23.50 Янгиликлар.

Марказий телевиденнесининг

«Восток» программаси

12.55 ВЛКСМ XVIII съездининг очилиши. Кремлнинг Съездлар саройидан олиб кўрсатилади.

Узбекистон телевиденнесининг

программаси

17.40 Кўрсатувлар программаси. 17.45 Мактаб ўқувчилари учун. «Янгра, барабан!» (рус.). 18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Менинг комсомол ёшларим». 18.45 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.00 «Устоз ва мураббий». Ўзбекистон ўқитувчиларининг V съездига бағишланган кўрсатув. 19.40 «Ахборот» информацион программаси. 20.00 «Романтика» телевизион театри. Н. Мирошниченко. «Учинчи авлод». 1-қисм. 21.30 Москва. «Вақт». Информацион программаси. «ВЛКСМ XVIII Съездида». 22.30 «Романтика» телевизион театри. Н. Мирошниченко. «Учинчи авлод». 2-қисм. 24.00 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент

области учун программа

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Тонг отишига қирқ минут қолди». Бадиий фильм. 20.10 Тошкент янгиликлари. 20.30 Байрамолди рекламаси. 20.45 «Катта дўстга сувинч». «Хамоҳанг». Ҳужжатли фильмлар.

26 АПРЕЛЬ— ЧОРШАНБА

Марказий телевиденнесининг

«Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 10.05 «Горичлар, қаердасиз!». 10.35 «Ленин истиқболига». Бадиий фильм. 12.20 «Киносаёҳатчилар клуби». 15.05 Ҳужжатли фильмлар программаси. 16.00 «Шахмат мактаби». 16.30 «Пўлат қандай тобланди». Н. Островский. 17.20 Сув полоси бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва)— Ҳарбий-Денгиз флотининг Марказий спорт клуби. Киевдан олиб кўрсатилади.

17.50 «Халқ оҳанглари». 18.00 «Ўн тўртдан ўн саккизгача». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 18.30 Янгиликлар. 18.45 Р. Бардамашвили раҳбарлигидаги вокал-чолғу ансамблининг концерти. 19.00 «ВЛКСМ XVIII съезди делегатлари билан учрашув». 19.30 «ВЛКСМ XVIII съезди делегатларини меҳмонлари учун концерт. Кремлнинг Съездлар саройидан трансляция пайтида ёзиб олинган. 21.30 «Вақт» информацион программаси. «ВЛКСМ XVIII съездида». 22.00 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. СССР— АҚШ терма командалари. Танаффус пайтида— «Спортлото» тиражи. Янгиликлар.

Узбекистон телевиденнесининг

программаси

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Ахлоқ ва ҳуқуқ». Жамилтшуносликдан ўқув кўрсатуви (рус.). 12.00 Телевизион ҳужжатли фильмлар. 12.30 «Ахлоқ ва ҳуқуқ». Жамиятшуносликдан ўқув кўрсатуви. 13.00 «Театр учрашувлари» (рус.).

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Оқ автомобиль». Болалар учун мультфильм. 18.25 «Буюк ва қудратли». 18.45 «Бизнинг бош мухбиримиздан». Кўрсатувда Тошкент шаҳар ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг бошлиғи, генерал-майор И. Г. Сатторов иштирок этади (рус.). 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Биз қишлоқда яшаймиз». Қишлоқларни комплекс қуриш ва ободонлаштириш бўйича кўрик-конкурси. 20.00 «Дугоналар» дуторчилар ансамбли чалади. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Фазал оқшоми». Кўрсатувни шоир Эркин Воҳидов олиб боради. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. «ВЛКСМ XVIII съездида». 22.00 «Чорвадор». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув. 22.15 «Телевидение экранида биринчи марта». «Битта умр камлик қилади». Бадиий фильм. 23.40 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент

области учун программа

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Кохановскалик артист». Бадиий фильм. 20.15 Тошкент янгиликлари. 20.35 Байрамолди рекламаси. 20.50 «Кўча ҳаракати хавфсизлигининг баҳорги кўриги давом этмоқда». 21.20 Бадиий ўқиш. «Ильинский Зошченко ҳақида».

28 АПРЕЛЬ — ЖУМА

Марказий телевиденнесининг

«Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.45 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.05 «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 10.50 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. Швеция— АҚШ терма командалари. 3-давр. Прагадан олиб кўрсатилади. 11.35 «Сени кутамиз, Темур». Бадиий фильм. («Ўзбекфильм»). 15.10 Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 15.50 «Китоб. Давр. Китобхон». 16.20 Кекса большевиклар хори ва Горбунов номли Маданият саройи Академик хор капелласининг концерти. 16.40 «Москва ва москваликлар». 17.10 «Жаҳон халқларининг ижоди». «Вьетнам санъати».

17.40 «ВЛКСМ XVIII съезди делегатлари билан учрашув». 18.10 «Ленин йўлидан». Телевизион ҳужжатли фильм. 19.30 Д. Шостакович. Фортепьяно ва оркестр ижроси учун ёзилган биринчи концерт. 19.55 «ВЛКСМ XVIII съездида». Кремлнинг Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. 21.30 «Вақт» информацион программаси. «ВЛКСМ XVIII съездида». 22.15 «Кинопанорама». 24.00 Янгиликлар.

Узбекистон телевиденнесининг

программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Болалар учун мультфильм. 18.10 «Қуёшли ўлка маршрутлари» (рус.). 18.40 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 18.55 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Т. Муродов куйлайди. 19.35 «Ахборот» информацион программаси. 19.55 Москва. «ВЛКСМ XVIII Съездида». Кремль Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. «ВЛКСМ XVIII съездида». 22.15 «Оқшом қўнғирочи йўқ». Бадиий фильм. 23.40 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент

области учун программа

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Болалар учун фильм. «Тим лақабли машҳур ўрдакча». 19.30 «Тошкент» телепрограммаси. «Шаҳарликлар дастурхонига». 20.00 «Фақат вальс янграйди». Концерт. 20.30 Тошкент янгиликлари. 21.00 «Мамлакатимиз кишилари». Ҳужжатли фильмлар программаси. «Мария Попова», «Академик Ян Страдинь», «Бирюковлар фамилияси».

27 АПРЕЛЬ — ПАЙШАНБА

Марказий телевиденнесининг

«Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.45 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.05 «Китоб сенинг ҳаётингда». 10.50 «Учрашувга интиламан». Бадиий фильм. 12.00 «Ҳайвонот оламида». 15.00 Кузбасснинг бугунги куни ҳақида ҳужжатли фильм. 15.45 «В. Луговской поэзияси». 16.15 «Спортчилар— ВЛКСМ XVIII съезди делегатлари». 16.45 Студентлар хор қўшиқлари II Бутуниттифоқ конкурси қатнашчиларининг концерти. 17.15 «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун». Ленинграддан олиб кўрсатилади.

18.00 «Миллионлар ленинча университети». 18.30 Янгиликлар. 18.40 «Рекс — актёр». Мультфильм. 18.50 Бутуниттифоқ конкурси лауреати Р. Белов чалади (домра). 19.20 «ВЛКСМ XVIII съезди делегатлари билан учрашув». 19.45 ВЛКСМ XVIII съездига пионерлар рапорти. Кремлнинг Съездлар саройидан трансляция пайтида ёзиб олинган. 21.30 «Вақт» информацион программаси. «ВЛКСМ XVIII съездида». 22.00 «Чорвадор». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув. 22.15 «Телевидение экранида биринчи марта». «Битта умр камлик қилади». Бадиий фильм. 23.40 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент

области учун программа

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Кохановскалик артист». Бадиий фильм. 20.15 Тошкент янгиликлари. 20.35 Байрамолди рекламаси. 20.50 «Кўча ҳаракати хавфсизлигининг баҳорги кўриги давом этмоқда». 21.20 Бадиий ўқиш. «Ильинский Зошченко ҳақида».

28 АПРЕЛЬ — ЖУМА

Марказий телевиденнесининг

«Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.45 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.05 «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 10.50 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. Швеция— АҚШ терма командалари. 3-давр. Прагадан олиб кўрсатилади. 11.35 «Сени кутамиз, Темур». Бадиий фильм. («Ўзбекфильм»). 15.10 Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 15.50 «Китоб. Давр. Китобхон». 16.20 Кекса большевиклар хори ва Горбунов номли Маданият саройи Академик хор капелласининг концерти. 16.40 «Москва ва москваликлар». 17.10 «Жаҳон халқларининг ижоди». «Вьетнам санъати».

17.40 «ВЛКСМ XVIII съезди делегатлари билан учрашув». 18.10 «Ленин йўлидан». Телевизион ҳужжатли фильм. 19.30 Д. Шостакович. Фортепьяно ва оркестр ижроси учун ёзилган биринчи концерт. 19.55 «ВЛКСМ XVIII съездида». Кремлнинг Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. 21.30 «Вақт» информацион программаси. «ВЛКСМ XVIII съездида». 22.15 «Кинопанорама». 24.00 Янгиликлар.

Узбекистон телевиденнесининг

программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Болалар учун мультфильм. 18.10 «Қуёшли ўлка маршрутлари» (рус.). 18.40 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 18.55 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Т. Муродов куйлайди. 19.35 «Ахборот» информацион программаси. 19.55 Москва. «ВЛКСМ XVIII Съездида». Кремль Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. «ВЛКСМ XVIII съездида». 22.15 «Оқшом қўнғирочи йўқ». Бадиий фильм. 23.40 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент

области учун программа

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Болалар учун фильм. «Шахмат пиёдаси Пешкиннинг саргузаштлари». 19.40 «Тошкент билан биродарлашган шаҳарлар» Бутунжаҳон биродарлашган шаҳарлар кунига бағишланган кўрсатув (рус.). 20.10 Тошкент янгиликлари. 20.30 Совет қўшиқларидан концерт. 21.00 «Бир оила тарихи». Телевизион ҳужжатли фильм.

29 АПРЕЛЬ — ШАНБА

Марказий телевиденнесининг

«Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.45 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.05 «Моҳир қўллар». 10.35 «Ота-оналар, Сизлар учун». «Ульяновлар оиласи». 2-кўрсатув. 11.05 «Тонгги почта». Музикали программа. 11.35 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». 12.05 «Эртага — Бутунжаҳон биродарлашган шаҳарлар куни». 12.35 Л. Бетховен, П. Чайковский, Ф. Шуберт, И. Брамс асарларидан концерт. 13.05 «Сиз бунга қодирсиз». 13.35 Давлат Оренбург рус халқ хорининг концерти. 14.20 «Здоровье». Илмий-оммабоп программа. 14.05 «Спортлото» тиражи. 15.15 «Музикали абонемент». 15.50 «Фан ва техника соҳасида 1978 йил Ленин мукофоти лауреатлари». 16.20 Болалар учун. «Биз Вулқон билан биргамиз». Бадиий фильм. 17.30 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 18.30 Янгиликлар. 18.40 «Адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида 1978 йил Ленин мукофоти лауреатлари». 19.20 «Оилавий шароитга кўра». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1 ва 2-сериялар. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Бенефис». РСФСР халқ артисти Л. Гурченко иштирок этади. 23.15 «Чет эл эстрадасининг қуйлари ва оҳанглари».

Узбекистон телевиденнесининг

программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Болалар учун мультфильм. 10.30 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси халқ чолғу оркестрининг концерти. 11.15 «Ғомирлар коинот кучоғида». Бадиий фильм. 12.30 «Ота-оналар университети» (рус.). 13.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Светофор». 14.00 Ўзбекистон ва Сурия терма командалари ўртасида бокс бўйича халқаро ўртоқлик учрашуви. «Меҳнат резервлари» спорт комплексидан репортаж (ёзиб олинган).

17.35 Кўрсатувлар программаси. 17.40 «Билмасвой — шоир». «Билмасвой Яшил шаҳарда». Болалар учун мультфильмлар. 18.15 Тошкент байрам арафасида. 18.45 «Кўргазма заллари бўйлаб» (рус.). 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Учинчи қўнғироқдан сўнг». Театр кўрсатуви. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Хайрулла Лутфуллаев куйлайди. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Пиллакорларнинг муҳим вазифалари». 22.15 «Мангу ёшлик». Бадиий фильм. 23.50 Кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевиденнесининг

программаси

17.30 Кўрсатувлар программаси. 17.35 «Пионер театри». 18.30 «Ашхобод — Душанба мусобақалашмоқда». 18.55 Телевизион почтадан (тожик тилида). 19.30 «Новости» информацион программаси. 19.40 «Чашма». Халқ ижоди клуби. 20.25 «Ахбор» информацион программаси. 20.45 Давлат филармонияси артистларининг концерти. 21.30 Душанба кўрсатувларининг охири.

30 АПРЕЛЬ — ЯКШАНБА

БУТУНЖАҲОН БИРОДАРЛАШГАН ШАҲАРЛАР КУНИ

Марказий телевиденнесининг

«Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 «Зарядкага сафланинг!». 10.00 «Будильник». 10.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 11.30 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Буратино саргузаштлари». Мультфильм. 13.00 «Қишлоқ янгиликлари». 14.00 «Музикали киоск». 14.25 «Театр спектакли». В. Чичков. «Тугалланмаган диалог». 16.50 «Хатларингиз асосида». Музикали программа. 17.30 «Учрашувлар, танишувлар, учрашувлар». «Бугун — Олег Попов». 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Шодон ўйнаймиз». Болалар концерти. 19.00 «Мамлакат Май арафасида». 19.40 «Оқшом таронаси». Концерт. 20.30 «Киносаёҳатчилар клуби». 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. СССР— Финляндия терма командалари. Прагадан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида— Янгиликлар.

Узбекистон телевиденнесининг

программаси

9.55 Кўрсатувлар порграммаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Хатларингиз асосида». Концерт. 10.50 «Қора товуқ». Болалар учун мультфильм. 11.10 «Истеъдод». Телевизион фильм-концерт. 12.00 Мактаб ўқувчилари учун «Қувноқ стартлар». Сурхондарё ва Тошкент областлари командалари иштирок этадилар. 13.00 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Марайим Жалилов ижросида совет композиторларининг қўшиқлари. 13.40 Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг совғаси учун теннис бўйича Бутуниттифоқ мусобақалар. «Динамо» теннис стадионидан репортаж (ёзиб олинган).

17.30 Кўрсатувлар программаси. 17.35 «Қаҳрабочалар». Болалар учун фильм-концерт. 18.05 «Май гуллари». Болалар боғчаларида тарбияланувчиларнинг чиқиши. 18.35 «Меҳнат галабалари репортажларини қабул эт, Биринчи май!». 18.55 «Қалбда баҳор». Телевизион фильм-концерт. 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Давоми». Цирк программаси. 19. 50 «Қўшиқларда қиз қалби». Музикали программа. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Қўшиқларда қиз қалби». Музикали программа (давоми). 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Экранда — кинокомедия». «Қароқчи чоллар». 23.30 Кўрсатувлар программаси.

Қирғизистон телевиденнесининг

программаси

16.45 «Новинки» киноклуби. 17.55 «Клифф Ричард куйлайди». Эстрада концерти. 18.55 «Апрель». Музикали программа. 19.35 «Алатоо» информацион программаси. **Қирғиз тилида:** 19.55 «Гипнократ қасами». Телеспектакль. 20.55 Э. Мойдунов куйлайди. 21.30 Фрунзе кўрсатувларининг охири.

*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ

Ёшлик

«Ё Ш Л И К» МАКТАБ-МАГАЗИНИ

ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИ БИЛАН САВДО ҚИЛУВЧИ КИЧИК СОТУВЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН



6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

8—10 синф ҳажмида маълумотли 16 ёшдан 25 ёшгача бўлган тошкентлик қизлар имтиҳонсиз қабул қилинадилар.



БИР ВАҚТНИНГ ЎЗИДА ЕШИДАН ҚАТЪИЙ НАЗАР КАССИРЛАР ТАЙЁРЛАЙДИГАН

БИР ОЙЛИК КУРСЛАРГА ҲАМ ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

ЎҚУВЧИЛАРГА ҲАР ОЙДА 64 СЎМДАН СТИПЕНДИЯ ТЎЛАНАДИ.

ЎҚИШ ВАҚТИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИЛАДИ.

ЎҚУВЧИЛАР АЙНИ БИР ВАҚТДА КЕЧКИ МАКТАБДА ЁКИ САВДО ТЕХНИКУМИДА ЎҚИШЛАРИ МУМКИН.

МАКТАБ-МАГАЗИННИ ТАМОМЛАБ ЧИҚҚАНЛАР КАТТА МАГАЗИНЛАРГА ИШЛАШ УЧУН ЮБОРИЛАДИ ВА УЛАРГА СОВЕТ САВДОСИ ТЕХНИКУМИНИНГ КЕЧКИ ЁКИ СИРТҚИ БЎЛИМИГА КИРИШДА ИМТИЁЗЛАР БЕРИЛАДИ.



ҚУЙИДАГИ АДРЕСГА МУРОЖЛАТ ҚИЛИНСИН: Тошкент шаҳри, Кафанов кўчаси, 65-уй (2, 5, 8, 9, 10, 12, 1, 24, 28-трамвайлар, 2, 3, 9, 22, 55, 80-автобусларнинг «Госпиталь бозори» бекати) 33-75-48 телефони бўйича справкалар олиш мумкин.



ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА. — 23/IV да **Севги ҳақида қисса** (12.00). билетлар сотилган). **Жизель** (19.00),

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 22/IV да **Оқшомдан тушгача,** 23/IV да **Қиёмат қарз.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 22/IV да **Шаҳзода ва етим қиз,** 23/IV да **Шаҳзода ва етим қиз** (12.00, ва 19.30), 24/IV да **Одний мўъжиза.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 22/IV да **Ун саккиз ёшлигим,** 23/IV да **Беш кунлик куёв** (12.00).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— **МОСКВА ДАВЛАТ МУЗ УСТИДА ЦИРК АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ** (12, 16, 19.30).

КИНО

23 АПРЕЛДА

САНЪАТ САРОЙИ — **Иккинчи ҳақиқат. Эски милтиқ** (Катта зал, кундуз ва кечқурун).

Яшашга нафолат бераман — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (11, 13, 14.40, 16, 17.30, 19, 21.00), «ҚОЗОҒИСТОН» (12.45, 17.00).

Транссибирь экспресси — «ДРУЖБА» (11, 13, 14, 15, 17, 18, 19, 21.00), «ҚОЗОҒИСТОН» (11, 15, 19.40, 21.00), «МОСКВА» (10, 14, 18.00), «НУКУС» (11, 15, 17, 19, 20.45), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Мимино— «НУКУС» (12, 17.00), «МОСКВА» (12, 16, 20.00).

Йўқолган экспедиция — «ИСКРА» (19.30).

Тентак Иванушканинг мўъжиза излагани — «ТИНЧЛИК» (тоқ соатларда).

Сиёвуш ҳақида қисса — ҲАМЗА номли (11, 14, 17, 20.00).

Етим ака — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Табор осмонга интилади— С. РАҲИМОВ номли (тоқ соатларда).

Запас аэродром — ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ номли (жуфт соатларда).

«ХЛОРОФОС»НИНГ ШАРОФАТИ ТУФАЙЛИ

Дов-дарахтлар зиён кўрмайди, боғлар ва полизларнинг зараркунандалари йўқ бўлади.



Боғлар ёки полизларни профилактика мақсадида қайта ишлаш учун 10 литр сувга 1 дона таблеткани қўшиб қоришма тайёрлаш лозим. Ҳосил бўлган суюқликни боғлар ёки полизларга сепилса, зарарли ҳашаротларнинг кўпайишига йўл қўймайди. Агарда участкада қўнғизлар, ҳар хил қумурсқалар пайдо бўладиган бўлса, аралашманинг концентрациясини кучайтириш лозим бўлади. Бунда 10 литр сувга икки дона таблетка қўшиб аралаштирилади. Агарда олмага қурт тушса, ёки карам паншасининг уруғи пайдо бўлса, бунда ана шунча миқдордаги сувга 3 дона таблетка солиб аралаштирилади.

ХЛОРОФОС—САМАРАЛИ ВОСИТАДИР, У ҲАР ҚАНДАЙ ҲАШАРОТЛАРНИ ЙЎҚ ҚИЛАДИ!

1 дона таблетка 200 грамм сувда аралаштирилса, —бу пашшалар, тараканлар ва бошқа шунга ўхшаш ҳашаротлар учун ўлдирадиган миқдор.

Препарат таблетка ҳолида, целлофанли халтачаларга солинган ҳолда чиқарилади. Оғирлиги 14 грамм, 28 грамм. Баҳоси— 9 тийин, 18 тийин.

«Хлорофос»ни хўжалик молларн савдоси ва кооператив хўжалик моллари савдоси системаларидаги базалардан сотиб олиш мумкин.

«ТЕЛЕПРЕССТОРГРЕКЛАМА».

Телевизор экранида

23 АПРЕЛЬ — ЯКШАНБА

Марказий телевиденнесининг

«Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 «Зарядкага сафланинг!». 10.00 «Музикали киоск». 10.30 «Будильник». 11.00 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 12.00 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Чиполлино». Мультфильм. 13.15 «Ранг-баранг қўшиқлар». Болалар концерти. 13.30 «Қишлоқ янгиликлари». 14.30 «Театр спектакли». Н. Погодин. «Кремль қуранглари». М. Горький номли Москва Бадиий академик театрининг фильм-спектакли. 17.20 М. Мусоргский. «Москва дарёсида тонг».

17.30 «Халқаро панорама». 18.00 «Цирк майдонида». Венгрия. 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Биринчи учрашувлар». Мультфильм. 18.55 «Киносаёҳатчилар клуби». 19.55 «ВЛКСМ XVIII съезди делегатлари ҳикоя қиладилар». 20.10 «Марказий телевидение экранида биринчи марта». «Учрашувга интиламан». Бадиий фильм. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Чорвадор» программаси. 22.15 «Алёшканинг севгиси». Бадиий фильм. 23.40 Кўрсатувлар программаси.

Қирғизистон телевиденнесининг

программаси

18.30 «Қирғизфильм»нинг ҳужжатли экрани. 19.30 Дам олиш концерти. 20.00 «Зангезур». Телеочерк. 20.15 «Ёшлар ижоди». 20.55 «Сайра қўмиз». 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 Талабларингизга биноан. «Мичман Панин». Бадиий фильм (рус.). 23.30 Фрунзе кўрсатувларининг охири.

Узбекистон телевиденнесининг

программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Типа лақабли чумоли». Болалар учун мультфильм. 10.20 Халқаро конкурс лауреатлари, пианиночи Богдасаровлар концерти. 11.05 «Замандас». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун программа (қозоқ тилида). 12.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар». 13.00 Ота-оналар учун консультация (рус.). 13.30 «Вепоён Ватаним менинг». «Вологда». Телевизион ҳужжатли фильм. 13.45 «Шахмат мактаби». 14.15 «Тошкент саёҳат ва экскурсиялар бюроси таклиф этади». Реклама. 14.45 «Кўча ҳаракати хавфсизлиги учун».

17.35 Кўрсатувлар программаси. 17.40 Кичкинтойлар учун. «Уйлаб топ». (рус.). 18.10 «Эртага — премьера». Кинокўрсатув (рус.). 18.40 «Сеҳрли лой». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. («Ўзбектелефильм»). 18.55 «Ораста кийинайлик». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Ижод саҳифалари». Садриддин Айний. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Ёр ёа динер тароналари». Концерт. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Чорвадор» программаси. 22.15 «Алёшканинг севгиси». Бадиий фильм. 23.40 Кўрсатувлар программаси.

Қирғизистон телевиденнесининг

программаси

18.30 «Қирғизфильм»нинг ҳужжатли экрани. 19.30 Дам олиш концерти. 20.00 «Зангезур». Телеочерк. 20.15 «Ёшлар ижоди». 20.55 «Сайра қўмиз». 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 Талабларингизга биноан. «Мичман Панин». Бадиий фильм (рус.). 23.30 Фрунзе кўрсатувларининг охири.

4 БЕТ. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

22 АПРЕЛЬ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар; партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83, қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85. хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Р. 07578.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1293.